

ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИМИЗ

Музафтичларда киймати қарийб 668 миллион сўмга тенг 7636 дона уяли телефонлар контрабанда йўли билан олиб келинаётган экан.

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ...

— Тўғриси айтсам онам билан ҳеч чиқиша олмади. Шунинг учун тинчгина кўчиб кета қолдим. — Менга қара, гапимга хафта бўлмагун-ч. аммо бир кун шу ишнинг пушаймон бўласан.

АЗАГА АЙЛАНГАН «КУЁВ ЧАҚИРДИ»

Ўз акалари туман ИИБга олиб келган йигит машинани берирокда тўхтаганини сўрди. «Хозир» деди-ю, тор кўчага қараб қочди. Акаларида шубҳа қолмади, шу ўқидирган!

ИБЛИС ТАЛВАСАСИ

Толибнинг чўртқасармиги бошига баҳо бўлди. У раиснинг кўп мидиркорларидан хабардор раис эса бун билар эди. Шу орада Толиб шубҳам таразда йўқоиб қолди.

Нидоқ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

2007-йил 15-феврал, № 07 (528)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

Бобур таваллудига 514 йил тўлди

Серзаҳмат ҳаёт иўди



Буюк бобокалонларимиздан бири Захриддин Мухаммад Бобур Ҳиндистонда буюк Бобурийлар сулоласига асос солган йирик давлат арбоби ва саркарда бўлиши билан бир қаторда ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва санъатида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, ҳассос шоир ва олим ҳам эди. Бобур мирзо 1483 йилнинг 14 февралда Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умаршайх Мирзо оиласида таваллуд топган. Бу давр ўрта Осиёда ва Хуросонда турли ҳокимлар, ака-укалар, тоғажинлар томонидан улуг боболари Амир Темур тузган йирик давлатга эгалик қилиш учун олиб борилаётган кураш энг кескин нуқтага етганлиги билан характерланади.

Маълумки, Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо Соҳибқирон Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг чевараси, яъни Амир Темурдан кейинги бешинчи авлодга мансуб бўлган. (Амир Темурнинг ўғиллари: Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳруҳмирзо) Онаси Кутлуг Нигор Бегим эса Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой авлодидан бўлмиш Тошкент ҳокими Юнусхон мўғулнинг қизи эди. (Чингизхоннинг ўғиллари: Жўжи, Чигатой, Угадой, Толуй).

Биз Бобур мирзо Ҳиндистонда барпо этган буюк давлатни Буюк Бобурийлар салтанати деб аташ-да, Европада бу салтанат «Буюк Мўғуллар салтанати» деб танилган. Бу номултаносиблик қаердан пайдо бўлди экан деб анча бош қотирганимдан кейин кўзим ярқ этиб очилгандай бўлди. Маълумки, Шарқда дунёга келган чақалоқ отасининг миаллатига мансуб ҳисобланади. Айтайлик, ўзбек йигити рус, хитойлик, ҳинду, япон ёки негр қизга уйланганиддан қатъи назар, унинг оиласида туғилган фарзанд ўзбек ҳисобланади, чунки отаси ўзбек-да. Бошқа айрим халқларда, жумладан, Европа халқларида бунинг бутунлай тескариси. Уларда она томонга кўпроқ урғу берилди. (Давоми 3-бетда).

Эътибор

Яқинда Республика Бosh прокуратурасида бўлиб ўтган кенгайтирилган хайъат мажлисида прокуратура органларининг 2006 йилги фаолияти яқунлари муҳокама қилинди. Унда мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилган ишлар билан бир қаторда вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясига оид қонунлар ижроси устидан назорат, уларнинг қаровсизлиги ҳамда ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўйича жойлардаги комиссияларнинг фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Болалар қаровсиз қолмасин

Мажлисдан сўнг Бosh прокурорнинг топшириғига кўра вилоят прокурорлари пойтахтнинг Юнусобод туманида жойлашган вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида бўлдилар. Ҳар қандай салбий ҳолатни бартафат этишдан кўра олдини олиш мақсадаги мувофиқдир. Ёки, мўл ҳосил оламан деган боғбон ҳам дарактини ниҳоллигиданок парварши-лаш кераклигини яхши билади. Бола эса бамисоли ниҳол. Афсуски, кўп ҳолларда ана шу ниҳол етарли даражадаги парваршига муҳтож бўлиб қолмоқда. Бунга марказга келтири-лаётган болаларни мисол қилиш мумкин. Аксариятининг ота-онаси бор экан. Масалан, шу йил 31 январдан бу ерга 8 та бола келти-рилган бўлса, 6 нафарининг ҳам



отаси, ҳам онаси борлиги маълум бўлди. Ундан ташқари, жорий йилнинг январ ойининг ўзиде 400 дан ортқ боланинг қабул қилинишини қандай изоҳлаш мумкин? Нима учун уларнинг тақдирини билан ҳеч ким қизиқмайди? Аксарияти на ўқийди, на ишлайди. Ҳайрон қоладиган жиҳати шунки, фарзанди қунлаб эмас, ойлаб кўзига кўринмаса-да, ота-онанинг парвойи палак. Ёки ўқитув-чиларни олсак. Ўқувчисининг дарсга келмай қўйгани билан умуман иши йўқ. Бундай ўқитувчилар мактабда бир кўришиб қўйсам бўлди деб уйлалсалар керак-да! Шу нуқтага назардан қараганда вилоят прокурорларининг бу ерга таширидан асосий мақсад уларни марказдаги шарт-шароит билан таништириш, ўз вилоятидаги аҳвол билан тақ-

қослаши ва таҳлил қилиши учун имкон беришидир. Дарҳақиқат, вилоят прокурорларининг бу ташири фойдадан холи эмас. Улар биринчи галда ота-оналар, мактаб жамоаси, маҳалла, «камолот»чилар, айниқса, бу вазифага мутасадди идора вакилларининг бефарқлигига танқидий баҳо бериб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида зарур чора-тадбирлар белгилаб, йиғилишда таъкидланганидек, жойлардаги комиссиялар билан ҳамкорликни янада фаоллаштирсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўз мухбиримиз

Суратда: Қашқадарё вилоят прокурори Эшдавлат ЖўРАЕВ марказдаги болалар билан учрашмоқда

Сарҳисоб

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишлаб ўтказиладиган ҳар йилги йиғилиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг истиқбол-ий йўналишларини белгилаб бериши билан аҳамиятлидир. 2006 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган йиғилиш ҳам ана шу жиҳатдан анча самарали бўлди дейишимизга асос бўлади. Аввалги йиллардаги каби йиғилишда вазирлик, уюшма ва кўмита раҳбарларининг узоқ маърузаларига кўп вақт ажратилмай, асосан муаммо ва камчиликларга диққат-эътибор қаратилди.

ИШОНЧ САРИ ОДИМЛАБ

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов 2006 йилдаги иқтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил этар экан, бу борада қатор ютуқлар қўлга киритилганилини, ана шундай салмоқли ютуқлар замирида халқимизнинг фидойи меҳнати мужассам бўлганилини эътибор этди. Халқро валлота жамғармасининг бу борадаги таҳлили ҳам ана шунинг тасди-

ғидир. Ўтган йил якунларини рақамларда таҳлил этадиган бўлсак, яқли ички махсулот ишлаб чиқариш 7,3 фоизга, саноат махсулотлари ишлаб чиқариш 10,8 фоизга, қишлоқ хўжалиқ махсулотлари етиштириш ҳажми 6,2 фоизга ўсган. Рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш ҳам таъшиқ иқтисодий фаолиятнинг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу ўз ўрнида Ўзбекистон экспорт салоҳиятини 11,5 фоизга оширди. Қишлоқ хўжалигини ривожланти-

риши, ерни ҳақиқий деҳқонга топшириши ва шу орқали мулкдорлик ҳиссини уйғотиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Ўтган йилнинг ўзиде 666 та ширкат хўжалиқлари неғизда 74 мингдан ортқ фермер хўжалиқлари ташкил этилди. Эътиборлиси, республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиқ махсулотларининг асосий қисми фермер хўжалиқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакатимизда меҳнатта яроқли аҳолини иш билан таъминлаш ислохотларининг энг муҳим йўналишларидан бири саналади. Касаначилиқни ривожлантириш орқали ўтган

йили 60 мингдан ортқ янги иш ўринлари барпо этилгани қўлинган ишлар салмоғини кўрсатиб турибди.

Кам таъминланган аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ошириш, соғлиқни сақлаш, таълим тизимини ривожлантириш борасида ҳам аниқ дастур асосидаги ишлар амалга оширилди. Ўтган йилнинг ўзиде 61 та янги мактаб қурилган, 6 та академик лицей барпо этилгани кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси мамлакатимиз ҳукумати эъти-

боридаги долзарб вазифа эканлигини кўрсатади. Йиғилишда айрим соҳаларда йўл қўйилган камчиликларни бартафат этиш юзасидан аниқ тавсиялар берилди ҳамда жорий йилда қилиниши лозим бўлган энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб олинди. Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, техник ва технология тармоқларини янгилаш, хорижий сармояларни миқдорини ошириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, коммунал ислохотларни чуқурлаштириш каби устувор йўналишлар шулар жумласидандир.

Т.САЙДБОБОВ

Қарор ва ижро

АДАШГАНЛАРГА ИМКОНИЯТ

Ҳаётда кўп бора таъкидланганидан азалий ақида бор: «Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди». Демак, кишининг жиноят содир этиши ёки жиноятчига айланишида у тарбияланган оила, камолга етган муҳит, ёна-атрофдагиларнинг маълум даражада таъсири бўлади. Шу маънода жиноятчиликка қарши тарбиявий таъсир чоралари билан курашиш, жиноят содир этгану, аммо қилмишидан пушаймон бўлиб, сабоқ чиқарган кишиларни кечириб, жамиятда ўз ўрнини топиб кетишига кўмаклашиш муҳим аҳамият касб этади.

Истиқлол йилларида амалга киритилаётган амнистия тўғрисидаги ҳужжатларда ҳам айнан шу жиҳатлар кўзда тутилган.

Бу борада Наманган вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қонун устуворлиги ва инсонпарварлик тамойиллари асосида амалга оширураётган кенг қамровли тадбирлар ҳам айни мақсадликларга хизмат қилади. Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги Амнистия тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш бўйича вилоят прокуратураси томонидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Қарорга асосан ҳуқуқ-тартибот органларига ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди ва маъмур ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш чоралари қўрилиб, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинди. Аҳоли ўртасида, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга вилоят бўйича ҳудудий комиссия ва ички гуруҳи ташкил этилиб, Ички ишлар бoshқармаси, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. (Давоми 2-бетда).

АДАШГАНЛАРГА ИМКОНИЯТ

(Давоми. Бошлангичи 1-бетда).

Дастурга кўра, вилоят прокуратураси томонидан Уйчи туманида жойлашган тергов хибосонасидан жами 22 нафар, Поп туманидаги жазони ижро этиш муассасасидан 480 нафар маҳкумга, вилоят ИИБнинг жазони ижро этиш назоратлари томонидан эса озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилиниб, ҳозирда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлардан 500 нафарига амнистия тўғрисидаги қарор қўлланилиб, амалда ижро этилди.

Шу билан бирга, вилоят, шаҳар, туман прокуратуралари томонидан 26 нафар шахсга нисбатан кўзғатилган 23 та жиноят иши ҳақидан тўхтатилиб, 4 та материал бўйича 5 нафар шахсга нисбатан жиноят иши кўзғатиш рад этилган. Шунингдек, 46 нафар шахсга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмаётган жиноят ишлари ҳақидан тўхтатилди.

Наманган вилояти ИИБ органлари томонидан 59 нафар шахсга нисбатан кўзғатилган 47 та жиноят иши ҳақидан тўхтатилиб, 41 нафар шахс устидан жиноят иши кўзғатиш рад этилган. 19 нафар шахсга нисбатан олиб борилмаётган тергов ҳаракатлари эса ҳақидан тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Наманган вилояти бошқармаси ҳам 12 та материал бўйича 24 нафар шахсга, божхона органлари эса 3 та материал бўйича 3 нафар шахсга нисбатан жиноят иши кўзғатишни рад этди. Ва низоҳат, жиноят ишлари бўйича вилоят судлари томонидан ҳам жами 519 нафар шахсга имконият берилди.

Амнистия билан боғлиқ дастурда юқоридagi шахсларнинг ҳужжатларини тайёрлашдан тортиб, истиқомат жойларига етиб келишларини назорат қилиш, кутиб олиш, ижтимоий, моддий ёрдам кўрсатиш, паспорт олишлари, иш билан таъминлаш, даволаниш, хуллас, жамиятда тўғри йўлни топиб олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишдек жараён ўз ифодасини топган.

Ана шулардан келиб чиқиб, адашганларни тўғри йўлга солиш ва уларга қўям беришни ўз бурни деб билган вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий

кўникма маркази ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари қарор ижроси юзасидан ўзаро ҳамкорликда муайян ишларни амалга оширишга киришганлар.

Меҳнат бозорига рақобатга бардос бера олмайдиган аҳоли қатламларини ҳимоя қилиш мақсадида 100 ва ундан ортиқ ишловчилари мавжуд бўлган корхоналарда жорий 2007 йил учун вилоят бўйича 4588 та махсус квоталанган иш ўринлари белгиланган бўлиб, шундан 305 таси жазони ижро этиш жойларидан озод бўлганлар учун ажратилган. Шу билан бир қаторда, меҳнат бўлиmlарига мурожаат қилган 66 нафар шахсдан 58 таси иш билан таъминланиб, айна пайтда қолган шахсларни ҳам фойдали меҳнатга жалб этиш чоралари кўриломоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, жазодан озод этилганларга бир мартабалик моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоят бюджетидан 34,4 млн. сўм пул маблағлари ажратилди.

Чўнчи, жорий йилнинг 12 январига қадар жазодан озод этилиб келган 107 нафар кишидан 102 нафарига тиббий ёрдам кўрсатилиб, ижтимоий кўникма марказига мурожаат этган 92 нафар шахсга 6,2 млн. сўмлик моддий ёрдам берилди.

Жазони ижро этиш жойларидан озод қилинганлар орасида юқумли касалликларга чалинганлар, гиёҳвандлик, алкоголизмдан мажбурий даволаниш курсини ўтамаганлар ва бошқа беморлар ҳам бор. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Мингбулак, Чуст, Косонсой, Уйчи, Уқўрғон, Норин, Поп туман билан қарши кураш диспансерлари ва Пахталикўл сихатгоҳидан жами 75 ўрин ажратилди.

Умуман олганда, бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирлардан қўлланган мақсад битта. У ҳам бўлса, амнистия қарори шарофати билан озод ҳаётга қайтаётганларнинг бу каби инсонпарварликдан ҳулоса чиқариб, тўғри йўлни топиб олишлари учун замин яратишдир.

К.МАМАТОВ,

Наманган вилоят прокуратурининг биринчи ўринбосари

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қонунлар тарғиботи, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида Жиззах вилоят прокуратурасида бўлим ва тармоқ бошлиқларидан иборат гуруҳлар тузилиб, ҳудудларда аҳоли ва ёшлар билан учрашувлар, очик мулоқотлар ўтказилмоқда.

Шундай учрашувлардан бири ўтган ҳафта Мирзачўл туманида бўлиб ўтди.

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ



Очик мулоқотда Мирзачўл туман фаоллари, ёшлар, ички ишлар бўлими, халқ таълими тизими масъул ходимлари, мактаб директорлари, ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия раиси иштирок этди.

Учрашувда Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиқлари Г.Ҳамраева, Л.Абдукеримова, вилоят прокурори катта ёрдамчиси Ш.Ашурова, бўлим прокурори

Ш.Тинибоев ва Мирзачўл туман прокурори Б.Араоловлар томонидан қилинган чиқишларда аниқланган қонунбузилиш ва жиноятларнинг сабаблари ҳамда уларни келтириб чиқарган шарт-шароитлар очик-ойдин кўрсатилиб, уларни бартараф этиш борасида аниқ фикр-мулоҳаза ва тақдирлар билдирилди.

Мулоқот кенг баҳс ва мунозаралар билан ўтиб, маҳалла фаоллари, мактаб директорлари ва талаба ёшлар

ўзларининг тақдир ҳамда саволлари билан чиқишлар қилди. Учрашув жараёнида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ҳамда ижрога қаратилди.

Ж.БОЙМИРЗАЕВ,

Мирзачўл туман прокурори ёрдамчиси

Суратда: Йиғилишдан лавқа.

«Тикко» насиб этмади

Қирк тўрт ёшни уриб қўйган Абдуманноп Раҳимов «ёшлиқ қилиб» йўлдан адашди. У Бўз туманидаги ширкат ва яқна тартибда уй-жой қурилиши бошқармасининг бошлиғи лавозимда ишларди. Андижон вилоят ҳокимининг ўтган йил октябр ойи бошида қабул қилган яқна тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қарорини ўзича талкин қилгани боис иштакиси карнай бўлиб кетди. Қарор асосида тайёрланган ўзаро ҳисоб-китоб (калькуляция) тартибига кўра фуқаролар бошқарманинг ер ажратиш ҳужжатларини тайёрлаш борасидаги хизмати учун банкка 18 минг 821 сўмдан тўлашлари, тўлов квантациясини келтириб берганлардан сўнг ҳужжатларини олишлари лозим эди. А.Раҳимов ўзича ушбу тартибга «ўзгартириш» киритди. Хизмат ҳақини 66 минг 571 сўм қилиб белгилади. Пуллари бевосита ўзи санаб олаверди. Томорқадан умидвор кишилар «хизмат ҳақини» оғринмай, икки қўллаб топшириб кетишадигандай эди. Йиққан пулнинг расмий калькуляцияда белгиланган қисмини бошқарманинг банкдаги ҳисоб-рақамига топшириб бора, назарида ёпиғлик қозон ёпиғликча қолаверарди. А.Раҳимов очқўзлик қилиб, ўша пуллари ҳам банкка топширишни эп кўрмади. Иш бошида битта фуқародан қондога мувофиқ 18 минг 700 сўм хизмат ҳақи олди. Дарҳол «ставкани» икки баробар ошириб 8 кишидан 31 минг сўмдан йиғди. Томорқага талабгорлар айтганини тўлаётганини қўриб, 152 нафар фуқародан 67 минг 700 сўмдан олиб қиссага жойлади.

Жами олинган 9 млн. 447 минг сўмнинг 902 минг 400 сўминигина «Халқ банки»нинг Бўз бўлими кассасига топшириб, 8,5 млн. сўмга яқин пулни эса ўз эҳтиёжи учун сарфлаверди. 5 млн. сўмга «Тикко» автомобилини сотиб олди. 800 минг сўмга болаларига «Самсунг» компютерини олиб берди. 450 минг сўмга битта хўкиз харид қилиб семиртиришга киришди. Бироқ А.Раҳимовнинг тараллабедод юриши узоққа чўзилмади. Унга нисбатан кўзғатилган жиноят иши судда кўрилиб, тегишли жазо тайинланди.

М.АБДУВАЛИЕВ,

Бўз туман прокурори

Кизилтепа туман прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда туманда ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида 2006 йилда муайян тадбирларни амалга ошириб, бир қатор натижаларга эришди.

Қонун устуворлигини қарор топтириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлаш фаолиятимизнинг асосий мезонлари бўлди.

2006 йилда қасддан одам ўлдирishi, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, фирибгарлик, безорилик, гиёҳвандлик жиноятларининг камайишига эришилди. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт билан боғлиқ жиноятлар 2005 йилга нисбатан анча-ошган. Жиноятларнинг фош этилиши эса анча яхшиланди.

Прократура терговчи натижасида ўтган йилда жиноят оқибатида

айбдор шахслар томонидан етказилган 118 млн. 426 минг сўмлик зарарлар аниқланиб, шундан 110 млн. 960 минг сўми ундирилди. Қолган қисmini ундириш мақсадида жиноят ишлари бўйича туман судига даъво аризалари киритилди.

Туман прокуратураси томонидан 2006 йилда 41 та текшириш ўтказилди. 59 та ноқонуний буйруқ ва қарорларга протест киритилиб, 149

нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида оғохланттирилди. 74 нафар шахсга нисбатан интизомий, 150 нафар шахсга нисбатан маъмурий, 14 та жиноий ишлар кўзғатилиб, 26 млн. 234 минг сўм етказилган зарар ундирилиши таъминланди. 13 млн. 67 минг сўмни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судига 140 та даъво аризалари киритилди.

Фаолиятимизда вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашга алоҳида аҳамият берилди дейиш мумкин. Бу йўналишдаги ишларга тўхталадиган бўлсак, туманда вояга етмаганлар ўртасида жиноятлар со-

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратилган. Газеталарни варақласангиз ёки телевизор кулонини бурасангиз бирон тадбиркорнинг саховат кўрсатиб, кўпник қургани ёки ёрдамга муҳтожларга қўям кўрсатаётгани ҳақидаги манзарани кўрасиз. Бу тадбиркорларга ҳуқуқимиз кўрсатаётган гамқўрликнинг мевасидир. Бунга «Ташаббус-2007» конкурси ҳам яққол мисол бўла олади. Биргина Тошкент вилоятида ўтган йили тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида 20 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бу ўз самарасини бериб 19 минг 334 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Минглаб ёшлар ўзларининг мўкин иш жойларига эга бўлди.

ТАДБИРКОР ҲАҚ БЎЛСА...

Вилоятимиз иқтисодини ривожлантиришда рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектлари саноатда 7,1, қишлоқ ҳўжалигида 89,2, қўриқчи, савдо соҳасида 40,4 фоизни ташкил этди. Тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, масъулият ва бурчларини тушунтиришга қаратилган 285 та тарғибот ишлари амалга оширилди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлардан келиб тушган ариза ва шикоятларнинг ижобий ҳал қилинишига эътибор берилляпти.

Хусусан, Олмалик шаҳар прокуратурасига 2006 йил 10 апрел кўни «Имкон» хусусий фирмаси раҳбари О.Азимбоев ариза билан мурожаат қилиб, «Конкурент савдо» хусусий корхонаси томонидан олинган 5,5 млн. сўмлик спиртли-ичимликлар ўрда тулов амалга оширилмаётганлигини кўрсатиб, амалий ёрдам сўраган эди.

Ўтказилган текширишда «Конкурент савдо» хусусий корхонаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 август кўниги «Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини қўпол равишда бузиб, спиртли ичимликлар сотилишидан тушган қўп миқдордаги нақд пулни банкка топширмаганлиги аниқланди. Корхона раҳбарларига нисбатан жиноий иш кўзғатилди.

Янги иш бошлаган тадбиркор учун бошланғич маблағнинг ўрни жуда муҳим. Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтса-у пули бўлмаса қўл қовуштириб ўтираверди. Ана шундай вазиятда тадбиркорга банкларнинг ёрдами жуда керак бўлади.

Бўстонлик туманида жойлашган «Жаксидей БЕ» фермер

ҳўжалиги раҳбари Ж.Рустемов туман прокуратурасига банкдан қорвачиликни ривожлантириш учун кредит олишга ёрдам бериш сўраб мурожаат қилган эди. Прократура аралашуви билан «Саноатурилишбанк»нинг Фазалкент бўлимида 60 млн. сўм миқдорда мақсадли кредит ажратилиши таъминланди.

Шунингдек жойларда прокуратура ходимлари томонидан тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилляпти. Улар фаолиятига қонуний аралашувлар содир бўлганда дарҳол бу ҳақда хабар бериш учун прокуратура органларини ишонч телефонлари ташкил қилинди. Ўтган йилда ўтказилган текшириш натижалари бўйича қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 52 та тақдимнома, ноқонуний қарорларга 45 та протест киритилди. 18 нафар мансабдор қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида оғохланттирилди, 53 нафар мансабдор шахс интизомий, 1 нафар шахс маъмурий ва 1 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар манфаатини кўзлаб судларга 30,8 млн. сўмлик 12 та даъво аризалари киритилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолати юзасидан 10 та жиноий иш кўзғатилди.

Ишнинг қузғини билган тадбиркор учун ишлайдиган давр келди. Қонунни бузмаган тадбиркорни ҳуқуқимиз жамқўрликдан қўллаб-қувватлайди. Уларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Прократура органлари эса уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини доим ҳимоя қилиб келмоқда.

О.СУВОНОВ,

Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

Талабчанлик асосий мезон

нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида оғохланттирилди. 74 нафар шахсга нисбатан интизомий, 150 нафар шахсга нисбатан маъмурий, 14 та жиноий ишлар кўзғатилиб, 26 млн. 234 минг сўм етказилган зарар ундирилиши таъминланди. 13 млн. 67 минг сўмни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судига 140 та даъво аризалари киритилди.

ҳамда муассасаларга юборилди.

Бундан ташқари, 145 нафар фуқаро прокуратура ходимлари қабулида бўлди. Шундан 61 нафари шахсан прокурор томонидан қабул қилиниб, уларга тегишли жавоблар берилди. Бевосита меҳнат жамоаларида 70 нафар фуқаро қабул қилинди.

Йил якуни ва таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, кенг қўламда олиб борилган ҳамкорлик иш самардорлигини ошираётганлиги аниқ. Айна пайтда таҳлиллар орқали келгусидаги долзарб вазифаларни ҳам белгилаб олмақдасиз.

Зафар РИЗАЕВ,

Кизилтепа туман прокурори

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Айтилди, ўзбек, кээк, япон, инглиз ёки хоҳлаган бошқа миллат вакилига турмушга чиққан европалик, масалан немис, инглиз аёллар кўрган фарзандлар немис ёки инглиз ҳисобланади, чунки бола онасининг миллатини олади. Ҳиндистонда барпо этилган Бобурийлар салтанатининг Европада «Буюк мўғуллар империяси» деб аталишига ҳам Бобур мирзонинг онаси Кутлуг Нигор бегимнинг мўғуллар авлодидан бўлганлиги асосий рол ўйнаган бўлса керак. Бу энди, албатта, менинг шахсий фикрим.

Бобур мирзо ўн икки ёшида тахтга ўтирган. Бу ҳақда у ўзининг «Бобурнома» асаридда шундай ёзади: «Тағри талонинг инояти билан ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафолар-

апрел ойида Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лодини, 1527 йилда Читорга ҳокими Рано Санғони мағлуб этган Бобур мирзо Ҳиндистоннинг ягона ҳукмдорига айланди. Бобур мирзо барпо этган салтанат Ҳиндистонда 300 йилдан кўпроқ вақт давомида, аниқроғи 332 йил, Ҳиндистонни инглизлар босиб олгунга қадар мавжуд бўлиб турди. Ўн икки ёшида тахтга ўтирган давларида ноқ бошланган серзаҳмат йўлдан Бобур мирзо умрининг охиригача чиқиб кетолмади. Ҳиндистондаги сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, ободонлаштириш, савдо-сотиқни ривожлантириш, боғ-роғлар яратиш, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш ишлари билан банд бўлган Бобур мирзонинг қалбини Ватан соғинчи ҳар дам ўртаб турарди. Рубой-

«Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла, лекин борурида ихтиёрим йўқдир» деб афсусланади шoir. Адабиётшунос олим Натан Маллаев ўзининг «Ўзбек адабиёти тарихи» деган асариде (Биринчи китоб. Т., «Ўқитувчи», 1976. 576-бет) ёзишича, «Бир кун Бобурга Фарғона сувюи тупроғида униб-ўсган ва ўша саҳий водий қуёшида пишган қовун келтирганларида у қовунни сўятуриб, аччиқ-аччиқ йиғлаган экан.» Умрининг катта бир даврини тўс-тўполонлар, жанг жадаллар, қувғин таъқиблар, уруш ва юришлар билан ўтказган бўлса-да, у улғу шох ва ошланоб инсон хусусиятларини сақлаб қола билди. Фазалларида у «Бори элга яхшилик қилғилки андин кунин йўқ, Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик», деб ёзиб одамларни яхшилик қилишга чорлаган бўлса,

харлаў Нерунинг Бобур ва унинг набираси Акбаршоҳ ҳақида ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» деган китобиде нималар ёзганига эътибор беринг: «Бобур дилбар шахс. Уйғонши даврининг тилик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан заъқ олишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар эса яна ҳам дилбарроқ ва кўп яхши фазилатларга эга бўлган. Мард, жасур, талантли лашкарбоши, раҳмдил, шафқатли... шу билан бирга у ҳаракатчан, ўз ишини давом эттирувчиларнинг ижтимоий садоқатига сазовор бўлиш учун ҳаракат қилувчи одам бўлган.

Саркарда сифатида у Ҳиндистоннинг кенг худудини ўзига бўйсундирган, лекин у бу ютуқлардан ҳам мустаҳкамроқ ғалабани

Серзаҳмат ҳаёт йўли

нинг ҳиммати билан сешанба кун, рамазон ойининг бешинчи кунини, тарих секинж юз тўқсон тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдим.» (Бобурнома.Т., «Шарқ», 2002 йил. 34-бет.)

Шундан сўнг беташвиш ёшлик ўрнини серзаҳмат кунлар эгаллади. Бобур мирзо қаламини қиличга алмаштириб, Андижон тахти учун укаси Жаҳонгир мирзо, амакиси Султон Аҳмад мирзо, тоғаси Султон Маҳмудхон ва бошқа рақибларига қарши курашишга мажбур бўлди. Укаси билан муросага келиш учун Фарғона улусини тенг иккига тақсимлаб, ярмини укасига топширди ва ўзи Самарқандни эгаллаш учун олиб борилаётган курашларга киришиб кетди. Бироқ бу курашга катта харбий куч билан аралашган Шайбонийхоннинг қўли бандан келганлиги боис, Бобур Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1504 йили Шайбонийхон Андижонни ҳам қўлга киритгандан кейин, Бобур жанубга томон йўл олди ва Афғонистонда ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1505-1515 йилларда Марказий Осиёга қайтиш учун қилган бир неча уринишлари бефойда кетган, Бобур мирзо 1519-1525 йиллар давомида Ҳиндистонни қўлга киритиш учун жанглар олиб борди. Улғу босиси Амир Темурнинг руҳи ёр бўлиб, 1526 йилининг

ларидан бирида у шундай деб ёзади:
**Толе йўқки жонимга балодиг бўлди,
Ҳар ишниким айладим, хатолиг бўлди.
Ўз ерим қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролғи бўлди.**

Бобур мирзонинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, ул зот амалга оширган ишлар тўғрисида ҳар қанча ёзсақ кам. Ўз юртини қолдириб, ўзга элларга кетганлигини Бобур мирзо ўзи учун бир «хатолик», «юз қаролик» деб билган бўлса, ғариблиқда юрган кишининг кўнгли шод бўлмаслигини шундай тасвирлайди:
**Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнглини меҳнатда киши.
Кўнглим бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ,
Гурбатда севинмас эмиш албатта киши.**

Бобур ўз Ватанини Аллоҳ берган неъматларнинг энг улғуи ва муқаддаси деб таърифлайди. Бегона юртларда иши бароридан келиб, шоху султон бўлиб, кам-кўст нималигини билмасдан юрган бўлса ҳам тугилиб ўсган юртдан олисلىгидан ўқинади, дили шод бўлмайди. Афғонистон ва Ҳиндистонни эгаллаб, катта салтанат барпо этган бўлса-да ўзини муродига етган киши деб ҳис этолмайди, ўз диёридан кўнгул узолмайди.

серзаҳмат ҳаёт йўлида ўзи ҳам айтганларига қатъий амал қилган. Чор атрофда ўрта аср ҳукмдорлари тахтга эга бўлиш мақсадида ота ўглини, ака укасини ҳеч бир истиҳоласиз ўлимга ҳукм қилиб турган бир даврда укасига Фарғона улусининг ярмини бериши Бобур мирзо кўрсатган жасоратнинг дебчаси эди. Зеро, у пайтларда ҳукмдорлар ўз ихтиёри билан тахтдан воз кечишни тасаввур ҳам қилолмасдилар. Иккинчи бор Бобур мирзо ўзи барпо этган салтанат тахтини ўғли Хумоюнга бўшатиб берди. Бу билан у болоқолларидан бўлмиш Мирзо Улуғбекнинг ишини такрорлади. Бобурнинг бу иши унинг фикр доираси ниҳоятда кенг, ақл-заковати ўткир, бетакрор, ўз даври фақи ва маданияти ютуқларини, ўтмиш маданий меросини мукамал эгаллаган қомусий ақл соҳиби, маърифатпарвар шох ва беназир инсон бўлганлигидан далолатлар.

Гапнинг индаллосини айтганда, забот этилган мамлакатнинг ерли аҳолиси уларнинг юртини забот этган ҳукмдор хусусида салбий фикрлар билдириши табиий ҳол. Юқориде биз Бобур мирзо Афғонистон ва Ҳиндистонни забот этиб Буюк Бобурийлар салтанатига асос солган деб айтдик. Энди Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири Жаво-

қўлга киритишни, яъни одамларнинг ақлини ва қалбини забот этишни кўпроқ ўйлар эди.» (Дж. Неру. Открытие Индии. Москва, 1995. Стр.329.) Бошқа бир асариде Неру шундай деб ёзади: «Бобур бекёёс даражада маданиятли, дилбар шахслардан бири эди. У мазаҳбапарастликка ҳос маҳдудлик ва диний мугтаассибликдан йироқ эди, вирайона-гарчилик билан шугулланмади. Бобур санъат ва адабиётга қизиқар, ўзи туркий ва форс тилида газаллар битар эди. У гуллар ва боғларни севар ва жазирода Ҳиндистонда ўрта Осиёдаги Ватанини тез-тез эслаб турарди: «Бинафшаси бисёр лағиф бўлур... қалин лолалар ва гуллар очилур» деб хотирлади у эсдаликлариде.» (Дж. Неру. Дунё тарихига назар. — Жарон адабиёти. 1997 йил 4-сон. 181-бет).

Буюк Бобурийлар салтаниде Бобур мирзо, Хумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шох Жаҳон, Аврангзеб даврларида, чексиз заҳматлар билан қурилган саройлар, қасрлар ва айниқса дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланадиган машҳур Тож Маҳал ҳозирги кунда ҳам Ҳиндистоннинг кўркамга кўрк қўшиб турибди.

Йўлдош ПАРДА,
«Huquq» муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353-моддасида шартномага шундай таъриф берилган: «Икки ёки бири неча шахсининг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув шартнома дейилади».
Корхона ва тадбиркорлар шартнома тузишида эркиндирлар. Яъни, улар нима ҳақда ким билан шартнома тузишни танлашлари, мажбуриятларни, ўзаро ҳўжалик муносабатларининг амалдаги қонуларга зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шартларини мустақил белгилашлари мумкин.
Афсуски, қонуннинг юқоридеги мўхим талаби бугун ҳамма ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳам бирдек бажарилаяпти дейиш қийин. Баъзи ҳолларда шартномалар шунчаки расмиятчилик учун, ҳўжакўрсинга тузилаяпти. Кўпинча бунда бир тарафнинг айби билан иккинчи тараф жиддий зиён кўраяпти.

500 сўмини тўлади, ҳолос. Қарзининг қолган қисмини тўлашни эса пайсалга солаверди. Ваҳоланки, жавобгар олган махсулотнинг 25 фоиз ҳақини аввалдан, махсулот етказиб берилгандан кейинги бир ой ичиде эса тўлиқ ҳисоб-китоб қилишни лозимлиги шартномада белгиланганди. Агар иш бўйича йиғилган ҳўжатларга назар ташласак, мазкур қардорликнинг юзага келишида оз бўлса-да, даъвогар ҳам айбдорлигини билиб олиш

«Биосервис» акциядорлик жамияти 2006 йилнинг 17 апрели кунни тузилган солиштирма далолатномада ҳам ўз қарзини тан олиб, тасдиқлаган.
Балиқчиликлар қарашсаки, «Биосервис» АЖ орадан етти ой ўтса ҳам қарзини тўлашга шойишмайпти. Шу боис улар ўз ҳақларини ундириб олишда амалий ёрдам сўраб, Андижон вилояти ақли бошқармасига мурожаат қилишди. Ақли бошқармаси эса жавобгардан

Шартнома ва мажбурият

си билан ундириб беришни сўради. Суд эса амалдаги қонулар талабларидан келиб чиқиб, даъво 15 млн. 974 минг 955 сўмга қаноатлантирди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Агар фикрини рақамлар билан давом эттирсак, ўтган 2006 йил давомида Наманган вилоят ҳўжалик суди томонидан жами 9793 та иш қурилгани ҳолда уларнинг 5222 таси айнан фуқаролик ҳўжаси муносабатларга, яъни гаров, контрактиция, ижара, махсулот етказиб бериш ва пулрат шартномаларига оид ишлардир. Мазкур ишларнинг 3570 таси ҳал қилув қарорлари асосида ўз ечимини топган.

Модомики, шартномавий муносабатлар хусусида сўз юритилар экан, бу борада гап шартноманинг тури ёки унинг қиймати катта-кичиклигида эмас, балки шартнома шарти ҳам қонун талабидек қатъий, бажарилиши мажбурийлигидадир.

Хуллас, шартнома аввало тарафлар ўртасидаги мажбуриятларнинг асоси саналади. Иккинчидан, у қорхонанинг, ҳўжаликнинг иқтисодий фаолиятини режалаштиришда ҳам мўхим аҳамиятта эга. Учинчидан эса шартнома тарафлар ўртасидаги мулкий муносабатларнинг ҳуқуқий шаклидир. Энг муҳими, бунда қайси, тараф лафзсизлик қилса, унинг юзи шувут бўлиши турган гап.

Азизбек ОДИЛОВ,
Наманган вилоят ҳўжалик судининг судаси.
Хуришд СУЛТОНОВ,
журналист

ЛАФЗСИЗЛИК ЮЗ ШУВУТЛИК ДЕМАКДИР

бу ҳақиқат кўпроқ шартномавий муносабатларда кўзга ташланмоқда

Масалан, Балиқчи туманидаги «Олтин куз» ишлаб чиқариш биофабрикаси билан Наманган шаҳридаги «Биосервис» акциядорлик жамияти ўртасида кимёвий воситалар етказиб бериш бўйича 2004 йилининг 4 июлида 46-сонли, 22 июлида 51-сонли, 2005 йилнинг 22 июли кунде эса 84-сонли, 1 августиде эса 76-сонли шартномалар имзоланганди. Шартномага мувофиқ «Олтин куз» биофабрикаси белгиланган 57 млн. 765 минг сўмлик махсулотни ўз вақтида етказиб берди. Аммо «Биосервис» акциядорлик жамияти махсулот ҳақининг атиги 10 млн. 448 минг

мумкин. Яъни, дастлабки 46-сонли шартнома 24 млн. сўмлик махсулот етказиб беришни назарда тутган. Жавобгар томонидан тўланган 10 млн. 448 минг 500 сўм эса ана шу шартнома суммасининг бир қисми, ҳолос. Бироқ даъвогар ушбу шартнома шартлари тўлиқ бажарилмай туриб, кейинги 3 та шартномани имзолайверган ва махсулотни ҳам тўла етказиб берган. Бу билан у ҳамқорига ўзига ишонгандек ишонган. Негаки, сўнгги шартномаларда ҳам ҳисоб-китоб махсулот етказиб берилгандан кейин бир ой ичиде амалга оширилиши қайд этилганди. Лекин жавобгар даъвогарнинг ишончини оқламаган.

биофабрикага 47 млн. 316 минг 500 сўм асосий қарз, 24 млн. 669 минг 464 сўм устама жами 71 млн. 985 минг 964 сўм ундириш юзасидан Наманган вилоят ҳўжалик судида даъво ариза киритди.

Вилоят ҳўжалик суди даъвогарнинг бир шартнома бўйича мажбурият бажарилмай туриб, яна шартнома тузганлиги ҳақида ўз вақтида қардорларни ундириш чораларини кўрмаганлигини инобатта олиб, жавобгардан асосий қарзга қўшимча 2 млн. 732 минг 800 сўм устама билан жами 50 млн. 49 минг 300 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорни қабул қилди.

Ёки, Наманган шаҳридаги «Ха-

— Нигматилла Тўлқинович, 2006 йилда Департамент органлари томонидан Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, яширин иқтисодийнинг шаклланиш йўллари ҳамда коррупция ҳолатларини аниқлаш борасида ишлар таҳлил қилинган бўлса керак. Чунки 2007 йилнинг биринчи ойи ҳам аяқланди.

— Тўғри айтасиз. 2006 йилдаги ютуқ ва камчиликлар таҳлилини ниҳоятсига етказдик. Сарҳисобларга кўра, 2006 йилни Департамент фаолиятидаги энг катта кўрсаткичларга эришган йил деб айтишимиз мумкин. Чунки ўтказилган тезкор таҳлилий, қидирув тадбирлари натижасида 7172 та ҳуқуқбузарлик фош этилиб, қонунбузарлардан 8,5 млрд. сўмлик товарлар олиб кўйилган.

Асосий эътибор давлат солиқ сийёсатининг амалга оширилишини таъминлаш ва солиқ базасини кенгайтиришга қаратилди. Натijaда 130,9 млрд. сўмлик қўшимча маблаглар ҳисобланиб, 47,8 млрд. сўм ундирилди.

Жумладан, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Техно-

хисоботларида товар айланмасини 308,4 млн. сўмга камайтириб кўрсатиб, жами 8,3 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

— Баъзида банк, солиқ идоралари, ҳокимликларнинг масъул ходимлари мансаб ваколатларини суниётсизмол қилаётгани ёки порахўрлик, таъмагирлик қилгани ҳақида эшитиб қоламиз.

— Фикрингизда жон бор. Халқимизда шамол бўлмаса, даракнинг учи қимирламайди, деган гап борку.

Коррупция ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган тадбирларда давлат ва ҳўжалик бошқарувининг турли соҳаларида раҳбар, масъул мансабдорлик лавозимларида ишлаётган 16 нафар ходимлар томонидан тамагирлик йўли билан пора олинганлиги ҳолатлари фош этилган.

Мансаб ваколатларини суниётсизмол қилиб, қонунбузарликлар содир этган 248 нафар банк, 40 нафар маҳаллий ҳокимият ва 30

— Албатта. Ўтган йили бу борада 603 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, ноқонуний муомалада бўлган 477,5 минг АҚШ доллари, 1 минг евро, 273,8 минг Россия рубли, 418,8 минг Қозғоғистон тенгеси, 205 млн. Ўзбекистон сўми, 38 минг Қирғизистон соми, 202,1 минг Туркменистон манати ҳамда 20 минг АҚШ долларлик қимматбаҳо қоғозлар олиб кўйилган.

Валюта қимматликларининг «қора бозор»да муомалага киритилиши билан боғлиқ 527 та ҳуқуқбузарлик аниқланган. Жумладан, Шайхонтоҳур туманида фуқаролар А.Муҳаммадқуров ва Ш.Юсупалиходжаев 17,8 млрд. АҚШ долларини фуқаро В.Кравченкога 22,3 млн. сўмга сотаётганида ушланиб, улардан жами 25,4 минг АҚШ доллари олиб кўйилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Кейинги пайтларда ОАВда қалбаки пул ясаш ва муомалага киритишнинг олдини олиш борасидаги тадбирлар тўғрисида чиқишлар қилинмоқда. Бу борадаги иш-

лиги тўғрисидаги қалбаки ҳужжатларни божхона органларига тақдим этган. Шу тариха 39,3 млн. сўмлик божхона тўловларини ҳисоботларда яшириш йўли билан 199 млн. сўмлик солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

— Соҳадаги ютуқларни тажрибали, билимли мутахассислар таъминлайди. Бу борада Департамент органларидаги ходимларнинг малакасини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Департамент органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг тўлиқ ва кўйилган талабларга мувофиқ тарзда бажарилиши учун аввало кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам уларнинг билимини ошириб бориш чоралари кўриломоқда. Мутахассисларнинг кўпчилигини иқтисодчи-ҳуқуқшунослар ташкил қилади. Бу иқтисодий жиноятлар суриштирувида жуда қўл келади. Бундан ташқари, ходимларнинг касб

худудимизга ноқонуний товар олиб киришга қарши курашиш 2007 йилда ҳам Департамент фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Чунки ушбу йўналишда жорий йилнинг январь ойида 203 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди, ҳуқуқбузарлардан республикамиз ҳудудига ноқонуний олиб килинган 1 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб кўйилди. Жумладан, Наманган вилоятида ўтказилган тезкор тадбирда Ҳазратишоҳ-Чортоқ йўналишида келаятган «КамаАЗ» русумли давлат рақами 16Е 9233 бўлган транспорт воситаси мажбурий тартибда тўхталиб тежирилганда, О.Абдрахмоновнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлиги, машина юкюнасида хорижда ишлаб чиқарилган, республикамизга ноқонуний киритилган 3 турдаги 9 дона телевизор, 8 дона музлатгич, 2 дона мусика маркази, уяли телефонларнинг 78 турдаги 10258 дона аксессуарлари, эҳтиёт қисмлари далилий ашё сифатида олинди. Лекин улар кейинги топилма олдидан ҳолва бўлиб чиқди. Чунки қўлланган музлатгичлар очиб кўрилганда, хар бири уяли телефонлар билан тўдирилганлиги маълум бўлди. 51 турдаги 7636 дона

Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти бошлиғи
Нигматилла Йўлдошев билан суҳбат

ЖУФЁНА ИҚТИСОДИЙЁТГА ҚАРШИМИЗ

фас-қурилиш» корхонаси раҳбари М.Таратун «корхона ходимларининг 50 фоиздан кўпрогини «чернобилчи» ногиронлар ташкил этади» деган қалбаки ҳужжат билан солиқ имтиёзларидан фойдаланишга ҳаракат қилган ва шу йўл билан 523,2 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қўтилиб қолмоқчи бўлган.

Хуфёна иқтисодийнинг шаклланиш йўллари, яширин ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланувчи субъектларни аниқлаш, уларнинг ноқонуний фаолиятига барҳам бериш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида 588 та яширин цех фаолияти фош этилиб, улардан ноқонуний ишлаб чиқарилган 335,5 млн. сўмлик маҳсулотлар олиб кўйилган.

Ҳижудувонлик И.Қурбонов ана шундай яширин цехнинг яратувчиларидан бири эди. У фуқаро Ш.Яхшиевнинг йўлда цех ташкил қилиб, айланма йўллар билан Қозғоғистондан олиб келинган спиртдан қўлбола ароқ тайёрлаб келган. Улардан 6,6 млн. сўмлик алкоғолли маҳсулотлар олиб кўйилди.

Баъзи «тадбиркорлар» кундалик эҳтиёж моллари билан савдо-сотиқ қилишни яхши кўради. Негаки бундай товарларнинг харидорини ҳар қадамда топиш мумкин. Жумладан, Тошкент туманида яшовчи И.Иришбоев ва Қ.Тожибоев давлат таъминотида ўтмасдан, Хитойда ишлаб чиқарилган чойларни ноқонуний қадқоқлаш ва сотиш билан шугулланиб келишган. Улардан 2,9 млн. сўмлик чой ва 8 дона чой қадқоқлаш мосламалари олиб кўйилди.

— Нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланиши ҳар қандай давлатнинг иқтисодийётига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Шундай эмасми?

— Бу бор ҳақиқат. Ўтказилган махсус тадбирларда 177,1 млрд. сўм нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланиши аниқланиб, судлар томонидан 57,7 млрд. сўмлик молиявий жарималар қўлланган.

Жумладан, Бухоро туманидаги «Парвина Ҳамкор Плюс» ХК раҳбари С.Бафоев пул ўтказиш йўли билан олинган 193,6 млн. сўмлик харидориги маҳсулотларни нақд пулга сотиб, савдо пулларини банкка топширмаган. ДСИга топширган

нафар солиқ ходимларига нисбатан 241 та жиноят иши кўзгатилган.

Жумладан, Зангиота туман ДСИ шўба бошлиғи Б.Раҳимбоев «Отабек Моҳларойим» фирмаси раҳбари О.Исмоиловни тежиритиш ўтказиш билан деб кўрқитиб, тамагирлик билан ундан 1200 АҚШ долларини пора тариқасида олганида ушланган.

«Тошвилоят трансэкспедиция» МЧЖ раҳбари А.Эргашева эса жамият ҳайдовчиси М.Аҳмеджановга бириктирилган «ЗИЛ» русумли юк автомашинасини хусусийлаштириб бериш эвазига ундан 1500 АҚШ долларини олаётганида ушланган.

Энг ачинарлиси, баъзи ҳокимликлардаги мансабдор шахслар давлат мулкни турли йўллар билан ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, Фарғона вилоят ҳокимининг уринбосари Р.Жалилов ХМКК-81 корхонаси мансабдор шахслари билан тил бириктириб, банкдан олинган 50 млн. сўм кредитга ўзига қарашли 14 та хусусий корхонадан қурилиш материалларини қиммат нархларда олганлиги аниқланди. Бу билан у давлат манфаатларига жуда кўп микдорда зарар етказган.

«Туронбанк»нинг Бектемир туман филиали бошқарувчиси Ш.Абдуллаев эса кредит комиссияси аъзолари А.Бурхонов, Д.Маматқулов, Х.Бақоевлар билан ўзаро тил бириктириб, «Ал Мурғоний савдо», «Тантана савдо» МЧЖ ва «Лира Форте» ХК раҳбарлари билан биргаликда ҳужжатларни сохталаштириб, ушбу корхоналарга банкдан берилган 350 млн. сўм кредит пулларини ўзлаштириб юборганлиги маълум бўлди.

— Хорижий валюта маблағларининг қонунига хилоф равишда четга чиқиб кетиши, олиб келиниши, муомалада бўлиши ва валюта айирбўшлов операциялари билан боғлиқ бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тадбирлар ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди. Тўғрими?

лар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Бу йўналишда 12 та қонунбузарлик аниқланиб, 11,2 минг АҚШ доллари ва 4,5 млн. Ўзбекистон сўми олинган.

Учтепа туманида ўтказилган тадбирда фуқаро М.Авезов фуқаро Ж.Қўлабевга қалбаки 10 минг АҚШ долларини 2 млн. сўмга сотаётганида ушланган.

Чилонзор туманида Ш.Хамедов эса бир хил сериали 1000 сўмлик купорадаги қалбаки 2,8 млн. сўмни фуқаро А.Жуманиёвга 500 АҚШ долларига сотаётганида қўлга олинган. Тежиритишда Ш.Хамедов фуқаро С.Пўлатов билан Чилонзор туманидаги «Мурод-Дилшоҳа-Зиё» МЧЖга қарашли савдо дўконида қалбаки пул тайёрлаш билан шугулланиб келганлиги маълум бўлди.

Улардан 6 та рангли принтер, 1 та компьютер ва 15 дона уяли телефон аппаратлари олинган.

— Экспорт-импорт, консигнация шартномалари асосида амалга оширилаётган тўловлар билан боғлиқ қонунбузарликлар мамлакатимиз обрўсига ҳам пўтур етказиши табиий. Бундай жиноятларнинг олдини олиш борасидаги амалга оширилаётган ишлар тўғрисида нима дея оласиз?

— Бу борада жами 34 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 10,3 млрд. сўм молиявий жарималар қўрилганлиги, 1,2 млрд. сўми ундирилди. Хорижий давлатларда бўлган дебиторлик қарзларининг 24,9 млн. АҚШ доллари га камайишига эришилган.

Тошкент шаҳридаги «Сифат» лойиҳа қурилиш жамияти бир вақтинчи ўзда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Чехиянинг «Мархамат» фирмаси билан металл конструкциялар олиш тўғрисидаги шартномалар тузган. «Сифат» ЛКЖ раҳбари С.Ҳабибуллахожаев БМТнинг божхона тўловларидан имтиёзларга эга эканлигини биллиб, «Мархамат» фирмасидан келтирилган 199 минг АҚШ долларлик металл конструкцияларни гўёки БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси орқали келтирилган-

маҳоратини ошириш мақсадида Департамент ва унинг ҳудудий бошқармаларида 372 мартаба ўқув машғулотлари ўтказилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчилики мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида жами 77 нафар ходимларнинг малакалари оширилди. Шунингдек, Бош прокурор ва Давлат солиқ қўмитаси раисининг қўша буйруғи билан Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академияси базасида «Молиявий-иқтисодий хавфсизлик» махсус курси ташкил этилиб, дастур асосида 2006 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Департаментнинг 20 нафар ходими малака оширди. Асосий мақсад ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тўдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш, ўз ишининг устаси бўлиб шаклланишига эришишдир.

— Истеъмол товарларининг четдан айланма йўллар орқали ноқонуний олиб килиниши ҳамда ички бозорда сотилишига чек қўйишга қаратилган ишлар қандай йўлга қўйилган?

— Четдан товарларнинг ноқонуний олиб килиниши ва савдога чиқарилиши билан боғлиқ 1896 та қонунбузарлик аниқланиб, қонунбузарлардан 4,6 млрд. сўмлик ҳужжатсиз товарлар олиб кўйилган.

Жумладан, Чирчиқ шаҳрида яшовчи фуқаро З.Бурхонов назоратсиз даромад олиш мақсадида, айланма йўллар билан четдан истеъмол товарлари олиб келиб, уларни ноқонуний сотиш билан шугулланиб келган. Унинг гаражидан четдан ишлаб чиқарилган 120,1 млн. сўмлик кийим-кечак ва оёқ кийимлари ҳамда 3,5 млн. сўмлик заргарлик буюмлари топилди.

Сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйиш, ички бозорни турли хил сифатсиз чет эл маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, fair competition ҳаракатларини тартибга солиш ва айниқса божхона постларини чет-

лаб ўтиб, айланма йўллар билан

уяли телефонлар қиймати қарийб 668 миллион сўмга тенг ва юқоридаги маҳсулотларни қўшиб ҳисобласак, битта «КамаАЗ» автомашинасида айланма йўллар орқали олиб ўтилган контрабанда товарларининг умумий нархи 714 миллион сўмни ташкил этди. Энг таъшишлиси, Наманган вилояти орқали пойтахтга етказиш мўлжалланган маҳсулотларнинг ҳеч бири божхона юк ҳужжатлари ва сифат сертификатига ҳам эга эмас. Айни пайтда юқинг буюртмачилари, воситачилари ҳамда ҳақиқий эгалари бўлган жиноий гуруҳнинг қолган аъзоларининг шахси аниқланмоқда.

— Департаментнинг иқтисодий жиноятчиликка қарши курашда халқаро тўхталиб ўтсангиз?

— Менга қара, гапимга хафа бўлмагин-у, аммо бир кун шу ишингга пушаймон бўласан...

Навбатдаги учрашувимизга Собир кечроқ келди. Одатда қувноқ юрадиган дўстимиз бу сафар хом кўринарди. Бир чегга ўтириб, кетма-кет ароққуйиб ича бошлади-ю, тезда кайфи ошиб қолди. Бир маҳал менга ишора қилиб, ташкарга имлади. Чиқдик.

— Ўрток, бошим қотиб қолди. Нима қилишга ҳайронман.

— Тинчликми? Нима бўлди?

— Э-й, сиқилиб кетдим. Ҳасанинг гапи тўғри экан...

Унинг айтишича, янги уйга кўчиб боргандан кейин хотини батамом ўзгариб, сал гапга жанжал чиқарадиган, кўнра ёнида яшайдиган опасиникига қатнаб, кўни йша ерда ўтказадиган бўлибди.

— Одамга энг алам қиладигани,

— Собир шундай дея ёшланган кўзларини мендан яшириб, чўқур

ёстиққа бош қўйган аёлининг ҳажрида, ҳам тўнғич ўғлининг тақдирини куёна-куёна кампирнинг орқасидан кетди.

Яқинда синфдошлар яна учрашдик. Бу сафар Собир келмади. Сўхбат мавзуси айлиниб унга тақалди.

— Мен нима деган эдим, эсларингдами? — кўниш оҳангида гап бошлади Ҳасан. — Собир уйини алмаштирмаганда балки, бунақа ишлар бўлмасмиди? Ҳам ота-онасидан, ҳам оиласидан жудо бўлди. Бир одамни биламан. Уйланиб, оиласи билан алоҳида уйга кўчиб кетганига йгирма йилдан ошди. Аммо шунча йилдан бери ёзми, қишми, фарқи йўқ, ҳар кўни эрталаб ота уйига келиб, онаси билан ноншута қилиб кетар экан. Яна шаҳарнинг бир чеккасидан қатнайди. Кампир ёлғиз эканини десаларинг, кенжа ўғли билан бирга яшар экан. Шу кишидан нима учун бундай қилишини сўрасак, «Отамдан айрилдим. Энди онамни хавотир олишига йўл қўймайликка ҳаракат қиламан. Қолаверса, ҳар кўни эрталаб дуосини оламан», дейди.

Юқоридаги воқеалардан ҳулоса чиқариш мумкинки, эс-ҳушли, имонли, фаросатли инсон борки, биринчи галда ўзини дунёга келти-

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ...

биришлар таскин бўлолмайди.

Фарзандда эса унчалик эмас. Бундай пайтда болада «отам ёки онам келмас нима қиламан» деган қўрқувгина бўлиб, хавотирни ҳис қилиш тўғриси ҳали шакланмаган бўлади. Қўрқувни эса, ҳар қалай, энгиш мумкин. Бунга мисол қилиб, «Уйда ёлғиз» филминини келтириш уринли бўлса керак. Ота-онасию ака-опалари бошқа шаҳарга кетишайётганда унутиб қолдирилган болаканинг ўғриларга қарши ўзига ҳос кураши ёдингизга тушдики? Гарчи у ердаги воқеалар тўқима бўлса-да, маълум даражада ҳақиқат бор.

Каердадир ўқиганман: Ота-онанинг умри юз ёшдан ошқоққ бўлиши мумкин экан-у, фарзанди йўл қўймас экан. Албатта, бу ҳолатнинг нисбийлигини унутмаслигимиз керак. Қолаверса, тиббиётдан ҳам маълумки, нобуд бўлган асаб ҳужайралари қайта тикланмайди. Агар боласининг кеч қолаётганидан хавотир олаётган ота-онанинг уша пайтда асаблари нақадар зуриқини ҳисобга олсак, бундай ҳолатнинг ҳар гал такрорланишида фарзанд ўзи ҳам билмаган ҳолда ота-онанининг умрини маълум даражада қисқартиради.

Шу ўринда бир синфдошимнинг

Шароф деб чўқурардик. Орадан йиллар ўтди. Мактабни битириш арафасида маҳалламиз бузилиб, ини бузилган аридек ҳар томонга кўчиб кетдик. Бирин-кетин уйланиб, «ола ҳуржун» бўйнимизга илинди. Аммо синфдошлар деярли ҳар ой йиғилиши турамиз. «Гап» баҳона учрашиб, мактаб пайтларини эслаймиз. Шундай учрашувларнинг бирида Собир уйини алмаштирганини айтиб қолди. Ҳайрон бўлдик. Ахир ҳамма яқинлари, қариндош-уруғларининг олдидан жой олишга ҳаракат қилса-ю, ота-онаси билан ёнма-ён яшайдиган Собир тугган йўлдан ажабландик. Ҳар томондан турли саволлар ёғила кетди:

— Қаёққа кўчдинг?

— Неча хоналик экан?

— Ўзингни уйинг яхши эмасмиди?

— Ота-онанг индашмадики?

Маълум бўлишича, Собирнинг хотини шаҳарнинг четроғида яшайдиган опасининг ёнгинасидан уй топибди. Уч кўнга қолмай алмаштириб, кўчиб ҳам ўтишибди.

— Нимга алмаштирдинг? Хонаси кўпроқ эканми? — синфдошлар ичидаги энг бетта чопари ҳисобланган Ҳасан болакининг гапини бўлиб, тўсатдан савол бериб қолди.

— Йўқ.

хўрсинди, — ишдан келганимда телевизор кўриб ётган бўлади. «Эрим келибди. Овақт берай» дейиш хаёлига ҳам келмайди. Яхшиям қизим бор экан...

Кутилмаганда Собирнинг онаси казо қилгани хақида хабар тарқалди. Соппа-соғ юрган одам, нима бўлди экан, дея ҳайрон бўлдик. Маълум бўлишича, бир кун олдин ишга кетаётган Собирнинг беҳосдан боши айланиб, йиқилиб тушибди. Бахтига ўша ердан тез ёрдам машинаси ўтиб қолди, уни касалхонага олиб кетибди. Аксига олиб ёнида ҳеч қандай ҳужжати ҳам йўқ экан. Бир синфдошимиз отасини қўришга бориб, тасодифан унга рўпара келиб қолди... Хуллас, ноҳуш хабар тезда тарқаб, онасининг ҳам қуллоғига етади. Ўғли кўчиб кетганидан буён ҳаловатини йўқотиб, ўйлай-ўйлай хафакон касалини орттириб олган кампир, бу гапни эшитида-ю, ўғлидан хавотирланиб қон босими кескин ошиб кетади. Бир қўнгина касалхонанинг жонлантириш бўлимида ётиб, ўзига келмай дунёдан ўтади. Собир онасидан айрилганини касалхонадан чиққач эшитибди. Бу орада хотини ажралиш ҳақида судга ариза бергач, Собир ота уйига кўчиб келибди. Мана энди отаси ҳам эллик йил бир

риб, оёққа қўйган ота-онанининг хизматини қилади. Ўзини турли бало-қазоларга уриб, уларни хавотирга солмайди.

Кексаларимиз дуога қўл очар экан, «Ут балосидан, сув балосидан, қуруқ тўхмат балосидан ўзинг асрагин» дея дуо қиладилар. Бундан ташқари «Дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир» деган мақол ҳам бор. Дарҳақиқат, дуода гап катта. Қарғишдан эса ўзи асрасин. Аммо айрим юртдошларимиз ана шу оддий ҳақиқатни унутиб қўймоқдалар. Бу ўринда турли оқимларга қўшилиб кетган ёшлар назарда тутилмоқда. Ҳайрон қоладиган жиҳати, бундайлар аввало, ўз келажагига ўта бепарқлик билан муносабатда бўлиб, ҳам ота-онанининг, ҳам эл-юртнинг дуосини олиш, қомил инсон бўлишга ҳаракат қилиш ўрнига, уларнинг юзини ерга қаратмоқдалар. Арзи-маган маблаг билан таъминлаб, қўлтигига сув пуракаётган айрим «ҳомий»ларнинг иши эса мақолда айтилганидек, «Номардларга асло сунма(эгма) бўйинингни, пуч ёнғоққа тўлдирсади қўйинингни» дан бошқа надра эмаслигини, бу кўнлар ҳам тезда ўтиб кетишини унутиб қўйишмоқда. Начора, шундай ҳолатларга гувоҳ бўлганда биринчи галда улардан нафратланиб, кейин эса бундайларга ўз вақтида лозим даражадаги тарбияни беролмай оқибатда қон ютаётган айрим ота-оналарга ачинашдан ўзга иложимиз йўқ. Нима бўлганда ҳам, аввало, ўзимизни, ўзлгимизни унутмаслигимиз шарт.

**Фағружон АЛИМОВ,
«Ниҳуқ» муҳбири**



Муқаддам вилоят прокуратураси ўтказган текширишда меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларда аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Тўхс таъмирланиб, бекаму кўст жиҳозланди. Шунингдек,

Президентимиз 2007 йили «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиб, кенг қамровли вазифаларни белгилаб берди. Аҳоли турмуш даражасини яхшилашга эришиш мақсадида дастурлар тайёрланиб, ҳаётга татбиқ этиляпти. Жумладан, Андижон вилоятида муҳтожларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, айниқса, турли муассасаларда тарбияланаётган болаларнинг яшаш ва ўқини шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

БОЛАЛАРГА КОМПЬЮТЕР

ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва бошқа мутасадди идораларнинг вакиллари билан ҳамжиҳатликда ушбу муассасаларнинг моддий-техникавий таъминоти масалалари

ўрганилиб, қонуний ҳал этиляпти. Хусусан, шу ой бошида Асака туманидаги 14 ва 16-ақли заиф ва кўзи оғир болалар махсус мактаб-интернатлари ҳамда Пахтабод туманидаги кам таъминланган оилаларнинг

фарзандлари таълим олаётган 31-мактаб-интернат ўқувчиларига компьютер жамламалари, дарсликлар ва ўқув қуроллари, спорт анжомлари тоширилди. Вилоят прокуратураси органлари ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан бирга таълим-тарбия муассасаларида ижтимоий муаммоларини ҳал этиш режаларини белгилаб, мунтазам иш юритишляпти.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Ниҳуқ» муҳбири**

Суратда: Вилоят прокуратура катта ёрдамчиси И.НИЗОМОВ махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари даврасида.

Ўз акалари туман ИИБга олиб келган йигит, машинани берирокда тўхтатишни сўради. «Хозир» деди-ю, тор кўчага қараб қочди. Акаларида шубҳа қолмади, шу ўлдирган!

...Рафиқаси «ўнинчида куёв чақирдикин», деганида унинг пешонаси тиришди. Куруждан қуруқ боролмайди, камида юз минг керак. Бирон жойда ишламас, маош олмас... Уч ҳафта бурун тўйлари бўлган. Мол-қўйлариниям сотиб, сарфлаган. Россияда ишлаётган акаси Илёсжон тўйда қўллаворди. Яна пул сўраса бермаслиги аниқ. Келиноийси Муқаддас опанинг ҳам хозир қўли қалта. Тилла тақинчоқлари бор-у...

Икром сахар олти-еттиларда Мирзохиднинг эшигини тақиллатди.

— Қўнғона бориб келамиз, — деди оғзидан ароқ ҳиди бурқисиб.

Яйланга, ИИБ идораси ёнига ақинлашганларида Икром «заруратга кириб чиқай» деди. Машинадан тушиб тор кўчада ура қочди...

Муқаддасжон билан Дилбархон эрталаб пахта титиш цехига эски тўшаклардан чиққан пахталарини олиб боришди. Бирок, электр энергияси узилиб, цех ишламай турганди. Тушликдан кейин электр уланди. Пахталарини титкизиб, кечки пайт соат бешларда қишлоққа қайтишди.

— Нон ёпиб кейин томоркага сув очаман, — деди Муқаддасжон.

— Мен ҳам хамир қиламан. Бирга сув кўямиз, — деб Дилбархон уйига кириб кетди. Кечкурун соат еттиларда иккеласи катта ариқ бошига боришди.

— Сув келмаяпти, келса,

ўтди. Бирок у ерда ҳам йўқ эди. Ховлини айланмаб ўтибди, деган ҳаёлда ортига қайтди. Муқаддасжон уйига кирмабди. Болалари ухлашяпти, Дилбархон Шарифжонни уйғотди.

— Аям кечаси Икром ака билан сув очгани чиқиб кетган, — деди у.

— Буvingникига борчи, ўшатамкин?

Неварасининг гапи дилига гўлгула солган Манзура опа қўшни болага Муҳаммадали тоғанинг чақириб кел, деб тайинлади. Жини келган захоти «Икромни топ» деди.

— Тинчликми?

— Кечаси Муқаддас иккови йўқлиб қолти.

Муҳаммадали Бешкала қишлоғига, Икром деворларини сувқ қилаётган хондонга борди. Лекин, бугун у ишга келмабди. Қайтиб келганида Манзуражон аммаси «ариқни бўйини қара-чи» деди.

бурди. Закуска борми, десам, помидор ва шафтоли опкелди. «Чекушка» ароқни ичди. Кетмонни олиб чиқаётганида «ёрдам бераман» деб унга эргашдим. Маккажухоризор ичиди кулгоғидаги сиргаларига кўми тўшиди-ю... Уни томоғидан бўғдим. Типирчилаб ётганида дуч келган жойига тепавердим. Ўлиб қолган, ариққа ташлавордим. Ташлашдан аввал, шох-шаббага илашиб қолмасин, деган ҳаёлда устидаги кийимларини ечиб, бир боғлам қилиб сувга иргитдим. Тилла сиргаларини бозорда сотиб, куёв чақирди-га сарфламоқчиёдиму...

У сотилган тақинчоқ пулининг 26 минг сўмини ишлатганди, 41 минг сўми чўнтагидан чиқди.

Суд-психиатрия экспертизасининг хулосасига кўра Ўзбекистон тумани, Чинор қишлоғилик Икром Қудратов руҳий соғ, хатти-ҳаракатларига жавоб бера оларди. Ҳа 2006 йил 9 август кун

ҚАЛТИС САВДО

Қиш. Оқликка бурканган олам гўё фақат эзгуликка йўтилгандек... Ойгул (исмлар шартли равишда ўзгартирилди) деразадан еспалаб ёғатган қорни кузати.

«Рўзгоринг бўт, тўқни яшашини учун тиймай харакат қилишинг керак. Ўғлимни уйлантирсам... Тўй харажатлари «чақайди». Тиллаворларимни сотсам...» Аёл шу ҳаёлда бозорга отланди. Йулда эски таниши Собир Жумаевни учратиб қолди.

— Қаёқлардан сўрайми? Йўл бўлсин эми?

— Искандарнинг тўйи тарадудда чиқдим. Мана буларни сотмоқчи эдим, — деди Ойгул рўмолчага ўроқлик тилла тақинчоқларини кўраётди. — Пул керак. Замонини кўриб турибсан.

— Тўтрику-я, аммо замонга қараб замонасозлик қилиш оламнинг ўзига боғлиқ. Сиз сиқилманг. Ҳар ҳолда бир кун-икки кунлик таниш эмасмиз, Раҳимнинг биласиз-ку, ўшанинг зарар танишлари бор. Ҳозир бир минутда топамиз...

Унинг гапи кўчага тўри келмади. Ойгул Раҳим Жалилов ва Собир Жумаевларнинг «героин» сотсақ, тилла тақинчоқларни пуллагандан ўн қарра яхшироқ пул топарингиз» деган таклифига ҳеч иккиланмай рози бўлди. Ойгул «Ажал дори»сининг савдоси чаққонлигини, бир марта хуморини ёзиш учун гиёҳвандлар истаганча ҳақ тўлашини жуда яхши биларди. Негаки у муқаддам айнан шундай жиноятга қўл уриб, суднинг қора курсисига ўтириб чиқишга ҳам улгурганди.

У икки эркак билан «қайласан, Қосон», деганча Қашқадарёга йўл олди. «Кўр-кўрни қоронғуда топамиз» дейишди. Бу ҳаётий аксиома. Қосонлик Сержан билан гаплашган бухоролик олармонлар уни кўндирди.

— Мана, 210 минг сўмлик тоза тилла. Ҳозир бизга анави савидан топиб берасан. Сотиб, пулни олиб келганимиздан сўнг буларни қайтиб оламиз.

— Демак, булар «залол» учун, шундайми?

— Топдинг. Унинг ақли экансан. Мана шу опанга ёрдам бўлсин дейяпмизна. Уни ўйлантирмоқчи.

Қосондан ҳар граммни учун 30 минг сўмдан ҳисоблаб, 7 грамм «героин» Бухоро шаҳридаги «мижоз»ларга сотиш учун олиб келинди.

— Аёл киши сариштакор бўлади, «Товар»нинг бир қисми опала турсин. Кейин сотиб оламиз, — деди Собир Раҳим Жалиловга «майлими» дегандек юзланиб.

— Бўпти, менга барибир. Қерақ бўлганда топа оласан бўлган. — розилик билдириди шерик ҳам.

«Ўғлимга бир тўй қилайки овозаси етти маҳаллага етсин...» деб уйлаган аёл у сотаётган гиёҳванд молда кимларнингдир ҳаётини захарлаб, ўлимга рубаруб этишини, ночор ахволга солиб, бахтсизликка юз тутишини хотираси лаҳзидан ўчириб ташлашни афзал биларди.

Уйда меҳмоннаволик қилиб ўтирган Ойгул эшигини тақиллатиб кириб келган Собирни кўриб довдираб қолди. «Героин» савдосидан меҳмонлари хабар топишини истамади.

— Мени Раҳим юборди.

— Секинроқ, мана, 3,5 чек «дори», пулни беринг буёққа, — деди пиширлаб Ойгул. — «Спонтом» сиз телевизорни олиб чиқинг. Бирор баҳона қиларман...

Ойгулдан хабар қилинган «героин»нинг харидори нақдига Раҳим Жалилов ҳамла Собир Жумаевлар қаттиқ ишонинган эди.

— Баҳодир, айтган «нарсангизни келтирдим. Мана, 3 та чек.

— Қанча бўлади?

— Унча қиммат эмас. 30 минг сўм.

Аммо бу харидор ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўйилган «тузоқ» эди.

Раҳим Жалилов, Собир Жумаевлар қўлига кишан тушганда қўзи ярқ этиб очилгандек бўлди. Лекин энди кеч. Пушаймонлик ва надоматдан эса фойда йўқ. Олти фарзандининг онаси бўлган Ойгул Хуррамова илгари худди шундай турдаги жинояти учун сулданган, лекин Олий Махлис Сенатининг 2005 йил 2 декабрлик «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амниестиya тўғрисида»ги қарорнинг 5-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган эди.

Ойгул бу имкониятдан фойдаланиб ҳаётини изга есишини, эл-юрт, фарзандлари олдига ўзини оқлаши, ҳаёло меҳнат қилиши мумкин эди.

Кўпнинг ишончини сунистеъмом қилган бу аёл маънан сўқир бўлмаганди, жиноятнинг жирканч кўчасига тақдор қадан қўймак эди.

Ҳаёт фақат тўри йўлдан иборат эмас. Унда ўнқир-чўнқир сўмоқлар ҳам бисёр. Баъзан инсон алашди. Хатого йўл қўяди. Идрокли киши хатолан сабоқ чиқаради. Шунинг учун «қур ҳасасини бир марта йўқотди», дейишди. Бирок, Ойгул Хуррамовага ўхшаган қабл қўзи ожиз кишиларга нисбатан бу нақдни қўллаб бўлмади.

Манзура ХАЙИТОВА,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлими катта прокурори
Можира ШАКАРОВА,
журналист

Азага айланган «куёв чақирди»

Ўртоғи кечаси ўн бирларда уни уйигача кузатиб қўйган, тагин ичамиз, деганида кўнмасдан қайтиб кетворганди.

— Майли, ўзимнинг ҳам ишим бор, — Мирзохид илгари ишлаган Катта Фарғона канали идорасига учраб қўйиши керак эди. Такси — «Дамас»да шаҳарга етиб келишди.

— Аввало тилло бозорига ўтамиз, — деди Икром. — Манавини сотиш керак.

— Қаердан топдинг бунни? — Хотиники. Бугун куёв чақирди. Пул зарин...

Бозорда Мирзохид тилла сиргани олиб-сотар аёлга тақинчоқ. У 130 минг сўмлик тақинчоққа 50 минг бермоқчи бўлди. Нарироқда турган кайфи тарақ Икромнинг жажли чиқди. Тиллафуруш аёл билан талашиб-тортишди. Ниҳоят 67 минг сўмга келишди.

— Меҳмон олиб боргани машина сўллашамиз, — деди шундан сўнг Икром. Битта танишим бор...

Улар соат ўн бирларда Яйпан шаҳрига келишди. Бирок, у танишини топмади. Қўнғона, Деҳқон бозори ёнидаги такси бекатига қайтиб боришди. Икром қизил «Дамас» машинаси ҳайдовчисни, таниши билан гаплашди. Яқкатутга йўл олишди. Бирок такси ҳайдовчи афтидан Икромнинг мастлигини кўриб, фикридан айланиди. Уларни қолдириб, кетиб юборди. Иккалси ошхонага кириб тамамди қилишди. Икром яна бир пиёла ароқ ичди. Шу пайт унинг акалари Исроломжон билан Исोजонлар боғига «Дамас»да келиб қолдишди. «Машинага ўтиринглар» дейишди.

— Нима гап, тинчликми, — сўради Мирзохид машинага чиқиб ўтиришгач.

— Яхшиликча, тўғриси айт, — акаси Икромга юзланди. — Кенноийинги нима қилдинг?

— Ҳеч нима қилганим йўқ. У ариққа сув очаётганида кетворганман...

мен сўғориб оламан, кейин сизларга бераман, — деди Комил ака.

Муқаддасжон уйда шаша идишларни ювиб помидор беркитиб, шафтоли компотини тайёрлашга киришди.

Соат 9 ларда Дилбархон чиқди.

— Комил ака ни ери салкам етмиш сотих. Ҳали бери бўлмаса керак, — деди Муқаддасжон.

— Кечроқ чиқамиз. Улар телевизорда кино кўриб вақт ўтказишди. Кино тугаган, тунги ўн бирларда кетмонни олиб кўчага чиқишди.

Рўпарадан келаётган қайноғасини кўриб Муқаддасжоннинг қўнғли гаш тортиди.

Икром яна ичовпти. Бекор кўрди-да, бизни!

— Сув қўйишвораман, — деди у.

— Раҳмат, ўзимиз сўғорволамиз. Сиз уйизга боринг!

— Хотин бошларинг билан кечаси ёлғиз юрманглар. Ҳозир унга гап ўқитириб бўлмасди. Кўнишдан бошқа иложлари қолмади.

— Ҳали бугуним йўқ, — деди Комил ака.

— Ман билмайман, бизга берасиз, ҳозир! — Икром ёши улуг одам билан гап талашди. Аранг йўлга солишди. «Бўпти эрталаб сўғорамиз» деб ортларига қайтишди. Икромдан илдамроқ юриб, аёللар уйлорага кириб кетишди.

Дилбархон сахар тўрт-бешларда қўшиннинг уйига кириб борди. Дарвозахонада кичкина 250 граммлик ароқ шишаси, пиёла, тарелкадаги тўғралган помидорни кўриб, «Икром яна ичибди-да» дея кўнглидан ўтказди. Остонада Муқаддасжон доим кийиб юрадиган шиппак кўринмади. Ичкарида ўғли ва қизи ухлашаётганди. Сув очгани чиқиб кетибди-да, деб томорқаларига



У «Тошоша» ариғи қуйисига қараб юрди. Қирғоқда Муқаддаснинг шиппакчаси, рўмоли, сийнабандини топиб олди. «Аммам кўрмагани маъкул, ўтакаси ёрилади» деб ортага қайтди. Эшик олдига турган милиция ходимларига ариқ бўйидан тоған нарсаларни топширди.

Кўни-қўшилар эрталабдан Икром билан Муқаддасжонни қидиришга киришган эдилар. Ражавали ариқ бўйидан авлининг рўмоли, шиппак топилганини эшитиб, пастрга қараб юрди. Кечаси тўлиб-тошиб оққан ариқ ҳозир анча саёв бўлиб қолган эди. Нарсалар топилган жойдан 200 метрча қуйироқда Ражавали сувдан чиқиб турган оёқни кўриб қолди. Қип-яланғоқ аёл жасадини қирғоққа кўтариб чиқишди.

Бирга қидираётган Холисон унинг устига рўмолини ёлди. «Синглиминг кулгоғида исергаси йўғ-у», деди юм-юм йиғлаб. Уйдан қўйлак-лозимларини олиб келиб, кийгизиб қўйишди.

...Икром узоққа қоча олмади. Ҳа захоти ушланди, гумондор тариқасиза ҳабибга олинди.

— Кечаси унинг ортидан уйларига кирдим, — деди у айбига икром бўлиб. — Ташқаридаги сўрига тўшак солиб

хотинининг амакиси ўғлини уйлаган. Попой қишлоғидаги тўйда ичкиликни бошлаган эди. Тўйдан қайтиб келиб, акасининг уйда чўнтагига солиб олган 250 граммлик шишадаги ароқни ҳам бўшатди-ю...

Уз вақтда тўй-маросимларини ичмас қилиб ўтказиш, дабдабазликларга чек қўйишга оид ҳукумат қарори қабул қилинган эди. Бирок шаҳару, қишлоқларда ким ўзар тўй-маросимларга ҳамон чек қўйилгани йўқ. Ортиқча расм-русумларнинг урфга айланиши йўғон «ўзи-либ, ингичка узилишига ёки қўли қалта хонадонлар кулоқларига чак қараг ботишларига сабаб бўляпти, баъзан эса юқоридагидай фожиали оқибатларни келтириб чиқаряпти. Гап бир кунлик тўйда эмас, янги оиланинг тинч-тоғу турмуш қуриши муҳим. Шундоқ экан, тўйларимиз бир меъёрга, ичмас ўтса, турли бўлар-бўлмас олди-берди, маросимларга чек қўйилса, юқоридагидай жиноятларнинг билвосита сабаблари ҳам йўқ бўлиб борарди.

**Н.АЗИМОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи
С.БОЗОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори**

НИҚОБДАГИ ҚОТИЛЛАР

Фира-шира қоронғи тушган. Осмонда аяк-дуқкам юлдузлар. Икки томонига қатор дарахтар экилган кўнадан Толиб шийон томон кетмоқда. Ҳар замонда атрофга алағлаб кўяди. Қаерданир келаётган бойўғли овози, чябўрининг улишдан қалбиди тахлика пайдо бўлди.

Узоқдан машина овози эшитилди. Кўп ўтмай чироклар ўчган машина унинг ёнига келиб тўхтади. Юзига қора ниқоб кийган кишилар туша солиб Толибга ташлашишди. Толиб ханг-манг бўлиб қолди. Бирини тепди, бирига мушт туширди. Аммо орқадан бошига теккан зарбдан гандирақлаб кетди. Кимдир қорнига тепган эди, йиқилди. Ҳар томондан тепки ёғилди. У бутунлай хушдан кетди. Ниқобли кишилар кўп-оёғини боғлаб машина юкхонасига улқоттиришди. Машина юрди.

Чироксиз «Жигули» дарахтларни орта қолдириб канал кўприги устида тўхтади. Ниқоблилардан иккитаси кўприкнинг икки томонига қараб олган, чалажон Толибни машинадан тушириб оёғи ва бўйнига харсанг боғлашди. Сўнгра сувга отиб юборишди. Сув бети бир чайқалди-ю, кўп ўтмай яна ўз ҳолича оқа бошлади.

УЧ ОҒАЙНИ

Файрат, Эркин, Толиб бир қишлоқда туғилиб ўсишди. Мактабни

пайтида Хондамир акаси орқали ёрдам бериб юрди. Уша танишув бора-бора муҳаббатга айланди. Файрат уни ижарада ашайдиган хонасига таклиф қилар, бир-икки орат гаплашиб ўтириб, кузатиб кўяр, ора-лариди бегубор тўйгулардан ўзга ҳеч нарса йўқ эди.

Учинчи курсда ўқиётганларида Файрат қизни туғилган кунига таклиф қилди. Бу ерга Хондамир акаси ҳам келган эди. Улар узоқ ўтиришди. Хондамир қизларга шампан ичирди. Қайтаётганларида Файратга сен қолавер, мен қизларни машинада кузатиб кўяман деб уларни олиб кетди. Шундан кейин Фотима унга кам кўринадиган бўлиб қолди. Бунинг сабабини эса Файрат кеч тушунди...

Эркин Москвада ҳарбий хизматни, сўнг ўша ердаги ўрта-максус милиция мактабини битириб келди. Туманда катта терговчи бўлди. Толибнинг омади келмади, ҳарбий комиссарият ошқорзонидан касал топиб, армияга олмаганидан кейин туман марказидаги қишлоқ хўжалиги техникумининг ҳисобчилик бўлимини бит-

идоранинг ўзига яраша паст-баланди бўлади, идорага пул деб келганларга хар хил гаплар гапирибди, шу ерда юрганга шукур қилсин. Сен ҳам оғзим бор деб хар нарсани гапираверма.

Эркиннинг туғилган куни улар яна учрашишди. Файрат раис билан бўлган хангомани гапириб берган эди, Эркин ўйланиб қолди. Фақат учови эштадиган паст овозда «Қайноған ҳақида хар хил гаплар юрибди, сен унга кўп яқинлашаверма!» деб кўйди. Шу гапдан бер ой ўтмай туриб Толибнинг тўсатдан йўқолиши Эркини ҳам, Файратни ҳам қарахт қилиб кўйди...

ИДОРА

Раис Олимбек Султонов айланма креслода ялпайиб ўтириб ўттиз ёшлардаги жувоннинг арзини эшитгиси келмай ташқарига қараб ўтирибди.



Исмаилла Йўлдошев Ибليس талвасаси

битирган Файрат агрономлик факултетига, Эркин юридик институтга, Толиб эса халқ хўжалиги институтига ҳужжат топширди.

Файрат абитуриентлик пайтида институтнинг масъул котиби, пўридагина кийини юрадиган Хондамир билан танишиб қолди. Хондамир негадир уни ўзига яқин тутиб, меҳрибонлик кўрсатди. Кейинчалик иккаласи жуда қалинлашиб кетишди. Хуллас, ўша йили фақат Файратга омад қилиб боқди: тегишли балл тўплаб қишлоқ хўжалиги институтининг агрономлик факултетига ўқишга кирди. Эркин иншоодан «Йиқилди», Толиб манчатдан ўтолмади...

Икки ўртоқ қишлоқда қайтадиган бўлишди. Уч оғайнинг бу гаги учрашуви унчалик кўнглили бўлмаса ҳам, аммо «шайтоннинг суви»дан отиб олишгандан кейин ўқувчилик йилларини, яхши кўрган қизларини эслашди...

— Мен ўқишга кирган бўлсам ҳам сизлар билан бирга қишлоққа кетгим келаяпти, бир ўзим етим кўздай бу ерда қолиб нима қиламан? — деди Файрат.

— Йўқ, оғайни, кирдингми, ўқийинг керак. Худо хоҳласа, мен армияга кетмасам, янаги йил албатта ўқишга қираман. Толибнинг ку бир йили бор, молодой бу! Буям қиради ўқишга!

— Мухими, сен ўқишга кирдим деб бизларни унутмасанг бўлди, — деди Толиб.

Файрат дўстларига далда берди. Шу тариқа ярим тунгача болаликларини эслашиб, анча ҳумордан чикдилар.

Файрат абитуриентлик даврида шахарлик қиз — Фотима билан танишиб қолди. Йўл-йўлакай унга ҳужжат топширишда, имтиҳонлар

казиб олди. Хўжаликда табелчи бўлиб ишлаб юрди.

Файрат ҳам бу орада ўқини битирди. У ҳали Фотиманинг Хондамир билан алоқ-чапоқ бўлиб кетганини кечира олмаган эди. Онаси уни ўзи кўз остига олиб қўйган қизга уйлантириши тараддудига тушди.

— Отанг ўлиб кетган бўлса, мен сени қайтиб уйлайман деб журган эдим, уйлан шу қизга, хар холда раиснинг жиғия, у ҳам қараб турмас, — деб ҳоли-жонига қўймади. Охири у Ханифа исмли қизга уйланди ва тез орада жамоа бўлишида ҳосилот бўлиб ишлаб бошлади...

Толибнинг чўрткесарлиги бошига бало бўлди. У раиснинг кўп кирдикорларидан хабардор, раис эса буни билар эди. Шу орада Толиб шубҳали тарзда йўқолиб қолди...

Аммо ўша машўум кунгача уч оғайни тўй-маъракада, туғилган кунларда учрашиб туришар, бир-бирига ваъдаларини эслатишарди.

— Толибни кассирликка ўтказишгани ёмон бўлибди. Уни энди қўчилик ёмон кўриб қолади, — деди учрашувларидан бирини Эркин. — Чунки одамларимиз оми, ўзларига раис эмас, кассир пул бермаяпти деб ўйлайди.

— Йўқ-е? — ҳайрон бўлди Файрат. — Шундай, — Эркиннинг гапини тасдиқлади Толиб. — Аनावи кунни 5-6 та колхозчи йўлимини тўсиб, нега пул бермаясан, раисга борсақ сени айтиб деб ўдагайлашди.

— Бўпти, мен раисга айтиб сени бухгалтерияга ўтказаман, — ваъда берди Файрат.

Идорага кириб раисга бу гапнинг учини чикарган эди, у хурпайиб олди.

— Сенинг хурматингни қилиб, ўртоғини ёғли жойга ишга олувдим... Ковун туширди-ку! Ҳар бир

— Раис бува, болаларимнинг отасини топишга ёрдам беринг. Уйимиз ғамхонага айланди. Уч кундан бери ҳеч қаерда йўқ. Қидирмаган жойимиз қолмади...

Олимбек жувонга ўқрайди: — Нима, эрингни мен йўқотдимми? Гапини қаранг...

— Сиз йўқотдингиз деганим йўқ-ку. Ёрдам беринг деяпман, раис бува! — аёл палтосининг чўнтагидан рўмолчасини олиб кўз ёшларини арпти. — Ёрдам беринг, усиз кунимиз не кечади?

— Мен қандай қилиб ёрдам бераман сенга? Мелисамидми? Ана, бухгалтер ёрдамчисидан сура! Эринг одамларнинг иш ҳақидан 120 минг сўмини олиб кетган деяпти. Балки сенга бериб кетгандир...

— Худо урсин, ундай қилмайди. Биласиз-ку!

— Билмадим. Ана, — милиция формасидаги Эркини кўрсатди раис, — мелисадан сура, эрининг ўртоғи, йиғла, ёлвор, топиб берсин. Бу унинг иши.

Эркин жувонга қаради. — Келин, ростини айтинг. Толиб йўқолмасдан бурун сизга ҳеч нима демаямидми?

— Худо урсин дедим-ку, ҳеч нарса деган эмас...

Эркин қуртга кийган, бўйдор, мўйловли, сочи сийрак бухгалтер ёрдамчисига юзланди.

— Холтой ака, айтинг-чи, Толиб қайси вақт, қанча пул олди сиздан? — 120 минг, тушдан кейин.

— Пул олганини бирор киши кўрдиими? Тилхат олганмисиз?

— Олмадим, шекилли.

— Нега, шекилли?

— Озроқ кайфим бор эди.

Толибнинг хотини йиғлаб бухгалтер ёрдамчисига ақиналашди: — Нега ёлгон гапирасиз, тушдан кейин у киши кечгача далада бўлган-ку? Ишонмасангиз, одам-

лардан сўранг!

Туман ички ишлар бўлими жинойт-қидирув бўлинимаси катта нозир Эркин папкаларини йиғиштириб чиқиб кетмоқчи эди, шу пайт эшикдан Файрат кириб қолди.

— Чиқиб тур, — деб бақирди раис Файратга, Эркин эса унга: — Тўхта, Файрат, — деди.

Файрат ноқулай аҳволда қолди. Бир чеккага ўтирди. Олимбек гезаб-ноқ кўзларини Файратга қадади. Эркин раисга:

— Уэр, ака, агар иложи бўлса Файрат билан гаплашиб олсам, — деди.

— Эсингда тут, ука, сен райком бюроси азъосининг хонасида ўтирибсан, кўп ўзингдан кетаверма, — деди раис ва чиқиб кетди.

бир-бир қаради. Файратнинг юзлари оқарган, кўзлари киртайиб қолган эди.

— Бўпти, раис бува, бирор янглик бўлса айтарсиз, — дея Эркин раис билан хайрлашди. Кейин Файратга «Қани, бу ёққа юр-чи» деб уни ўзи билан олиб чиқиб кетди.

Аммо тез орада Файрат қайтиб келди.

— Ҳа, нима дейди оғайнинг? — Қанақасига оғайни? Мактабда бирга ўқиганмиз, холос. Мелисадан оғайни чиқаримди?..

Олимбек агрономга ўқрайди: — Аҳмоқ. Кўрмадим десанг, улар-мидинг. Бу ерга келиб бало бормиди?

— Беғали участкавий «раиснинг хонасига боринг» деди. Бирон ишингиз бордир деб келдим. У Толибни тўсатдан сўраб қолди, мен нима гаплагини билмай, кўрганимни айтдим. Қаёқдан билибман...

Олимбек айёрона кўлди. Яна жиддий ҳолатга кирди. — Демак, Толиб қандай йўқолганини сен биласан.

— Ҳазиллашманг-э, қанақасига мен биланман?

— Сен билан бирон марта ҳазиллашганмиди? Тахминларимни ҳозирок биринчи котибга, сўнг терговчига айтаман.

Файрат қизарди, асабийлашди, Олимбекка тикилди:

— Уйлаб гапиринг, раис бува! Мен билсам айтардим-да.

Олимбек кўзлари ола-қула бўлиб, ўтирган жойида Файратга қўлини бигиз қилиб ўшқирришга тушди.

— Ҳов бола, олов билан ўйнаша-япсан менинг ишимга аралашиб. Сендақаларнинг кўпини кўрганман. Нонни «нана» деб юргангизда мен биргад бўлганман. Отанг ҳам ўз бошини ўзи еди, катталарга осила-осила.

Раис унга яна отасини эслата-япти. Илғари «Отанг яхши одам эди» деганди. Энди ёмонлаяпти. Ажабо!

— Нимага сөррайиб ўтирибсан? — раиснинг ўдагайлашидан ўзига келди Файрат. — Агентмисан? Эркин нима деди? Раиснинг хонасида ўтир дедими? Тилларнинг бирда-а? Мени билмайди деб ўйласанми?

— Тухмат қилманг! Қанақасига тилим бир бўлин... Толибнинг йўқолиб қолганини тасодифан билган бўлсам...

— Нима, сен ҳам унинг йўқолганини мендан кураясанми? Мендан кураётган бўлсан, — раис овозини пастрлатди, — қисиб юрсин эди, колхозчиларнинг ҳақини фалончи еяпти, фалончи бермаяпти демасдан... Энди тур, кўзимдан йўқол!

— Бақирманг, қувмасангиз ҳам кетаман. Бизнинг ҳам замонимиз келар.

Раис сакраб туриб олдидаги чойнакни Файратга отган эди. Файрат энгашиб қолди. Пахта гулли чойнак деворга тегиб чил-чил синди.

— Сендақаларга ҳеч қачон замон қулмайди. Орзу қилиб ўтиб кетаверсанлар, билдингми? Бас, етар сайраганларинг. Ҳам ўнг, ҳам чап қулнинг билан эшитиб ол. Сенга ўшшаганлар илғари ҳам биздаларнинг измида бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Орада ўнча революция бўлмайди?

Олимбек бироз суккутдан сўнг яна Файратга қўлини бигиз қилди.

— Тилингни тийиб юр, қувбачча-ча. Яна одамлар ўртасида мен ҳақимда оғиз очадиган бўлсанг, ўзингдан кўр. Кириб келган вақтингдан ўргилдим. Ҳаммасини расво қилдинг, йўқол!

Файрат эшик томон юрди. Чиқа туриб Олимбекка асабий тикилди.

(Давоми келгуси сонда).

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Бухоро ҳарбий прокурори Хасан Шамсутдиновга акаси Шермурод ШАМСУТДИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия ихзор қилади.



Калкон Ахмедов 1947 йилнинг 16 февралда Чирокчи туманидаги Жули кишлоғида дунёга келган. У болаликдан зехли, билимга интилувчан ва тиришқок эди. Уқувчилик йилларида ана шу сифатлари қатори жиждийлиги ва катъийлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди.

Болалик ва ўсмирлик ҳаётининг орзу-умидларга тўла фасли. Бу даврда инсон атрофга синчковлик билан боқадди. Қайсидир касб эгаларидан ибрат олиб, худди улардек бўлишни орзу қилади. Калкон, айниқса, прокуратура ходимларига ҳавас билан қарар.

«Мен ҳам улғайиб одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи касб эгаси бўламан», дея орзу қиларди. **У шунчаки ҳавас қилиб қолмай, катъий аҳд билан ана шу мақсад рўйбига интилади.**

ҲАЁТ АЪМОЛИ

Арасту шундай деган экан: Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа.

Қалкон Ахмедов камолида ана шу уч жиҳат муҳим ўрин тутди. У оилада, мактабда ва ҳаётда кўп нарсага ўрганди. Мақсадга эришиш йўлида ўқишдан, изланишдан, такрор-такрор машқ қилишдан чарчамасди. Мактабни битирганининг биринчи йили Тошкент Давлат университетининг юридик факультетга ўқишга кириш учун керакли балл тўлаётганда ҳам руҳи тушмади. Балки янада кўпроқ ўқишга, ўрганишга интилди. Ва ниҳоят у 1966 йилда ўз орзусига етиб, юридик факультет талабаси бўлди.

Олам гулистон бўлиши учун ҳар бир инсон эзгу ишлар қилиши керак. Бу айниқса, ҳуқуқшунослар учун жуда зарур. Ҳақсизликка қарши кураш уларнинг бурчи. Дорилфунунда шундай деб таълим беришди унга. Энди бу билимларни амалда татбиқ этиш пайти келди. Кўёш ҳаммага баробар нур соғанидек, қонун ҳам барчага тенг бўлмоғи шарт. Катта ҳаёт бўсағасида турган ёш ҳуқуқшунос доимо

ҳақиқат тарафиди собит туриб, адолатни ҳимоя қилишга ўзига-ўзи сўз берди. Ва бу эътиқод унинг ҳаёт аъмолига айланди...

Институтни битиргач, у Республика Бош прокуратурасининг йўлланмаси билан 1971 йилда Шахрисабз туманларо прокурори ёрдамчиси сифатида ўз иш фаолиятини бошлади.

— Шахрисабзда ишлаган даврим мен учун жуда катта сабоқ бўлди, — дея эслайди Қалкон Ахмедов. — Университетда олган билимларимни амалда татбиқ этишга қўйналган дамларим кўп бўлган. Бундай вақтларда тажрибали ҳуқуқшунослардан маслаҳат олиш билан бир қаторда архивда сақланаётган ишларни синчилаб ўрганадим. Қонуларни тушуниб, тўғри татбиқ этайманим, деб ўйланардим. Кечалари билан китоб қараб чиққан пайларим бўлган. Шу маънода Шахрисабзда ишлаган беш йиллик қизгим иш фаолиятим мен учун чинакам дорилфунун вазифасини ўтади, дейиш мумкин. «Шахрисабз университети» вази иборани ботибот тилга олишимнинг боиси

ҳам шунда.

Шахрисабз сабоқлари Қалкон Ахмедовга кейинги фаолияти давомида кўп асқотди. 1975 йилдан 1999 йилгача Қашқадарё вилоят прокуратураси тизимидаги фаолияти давомида ҳам ўз имон-эътиқодида содиқ қолиб, ҳақиқат тарафиди бўлиб келди.

— Бунга қай даражада эришганлигим ёлғиз худго аён, дейди Қалкон ака. — Баъзан ишимдан рози бўлиб гапиришса, миннатдорчилик билдиришса, кўнглимда ажиб бир енгиллик, мамнуният ҳиссини туяман.

Қалкон Ахмедовнинг прокуратура тизимидаги 36 йиллик узлуксиз ва бенуксон фаолияти давомида эса бундай лаҳзалар кўп бўлган.

— Прокорур инсонларвар, хушфел бўлиши, у ҳар бир ишда фақат ҳақиқатни эмас, балки бу иш оқсидида мураккаб ички кечинмалари билан турган тирик инсонни кўра биллиш шарт, — дейди Қ.Ахмедов.

Ана шундай юксак маданиятли ҳуқуқшуносина бошқаларнинг тақдирини ҳал қилиш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлади. Прокорур фақат давлат манфаатларини эмас, балки фуқароларнинг бўзилган ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилиши лозим.

Қалкон Ахмедовнинг эл орасида, касбдошлари ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонганлигининг боиси ҳам шунда. Ҳаётда бартариблик ва савоҳатпешалик, яшашда, ишда ўзига ва ўзгаларга талабчанлик, дўстга ва шогирдларга нисбатан жонфидолик Қалкон Ахмедовга хос фазилатдир.

Барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган ин-

сондир, деган экан бир донишманд. Ана шундай инсонларни тарбиялайдиганлар ҳам Қалкон акадек устоз-мураббийлардир. Вилонтизмиз ва республикада фаолият кўрсатаётган прокуратура ходимлари орасида Қалкон акани устоз деб улғулайдиганлар кўп.

Қалкон Ахмедов катта оиланинг бошлиғи. Сақиз фарзанднинг отаси, неваралари ҳам бир талай. Турмуш ўртоғи билан биргалликда болаларига яхши тарбия бериб, ўқитиб элга қўшди. Улар ҳаётда ўз ўринларини топиб, эл қорига яраб

қолганликларини ўйласа, кўнгли кўтарилди. Солиқ фарзандлар ота-онанинг бахти эканлиги эса энг оддий ҳақиқат.

Мавриди келгани боис, прокуратура соҳасида салкам қирқ йил ишлаб, қадр ва эъзоз топган Қалкон Ахмедовни Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоаси номидан муборак 60 ёши билан чин дилдан муборакбод этамиз. Яна кўп йиллар самарали ишлаб, ёш ҳуқуқшуносларга мураббийлик қилишларини тилаймиз.

...Шер келбатли, тийрак кўзлари маънодор бовувчи бир одам туман прокуратураси идораси томон бормоқда. Қиш эртасининг замҳарир хавоси гарчи баданни бироз жунжиктирсасда, танга тетиклик бағишлайди. Музаффо тонг хавосида тўйиб нафас олиб руҳияти кўтарилган Қалкон Ахмедов беихтиёр қадамини тезлаштирди. Олдинда уни янги иш кунчи кутарди.

М.АЗИМОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
вазифасини бажарувчи
Н.ФОЗИЕВ,
журналист

Ўсмир ва қонун

Келажакка бепарқ бўлмайлик

Бир манбада фарзандни камолга етказиш боғ яратган богбоннинг меҳнатига қиёс қилинади. Агар богбон богдаги ниҳолларни парварши қилса, мўл ҳосил оلسа, қилган меҳнатидан кўнгли яйрайдди. Ота-она ҳам ҳаётни давомида богбон каби вазифани ўтади. Боланинг онгига илк ёшдан бошлаб одоб-ахлоқ қондалари, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш каби одалар сингдирилса, ота-она ҳам кейсайган чоғларда уларнинг камолини кўриб, жону танлари роҳат олади.

Кейинги пайтда вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар таҳлилга назар ташлар эканмиз, бизни ўсмирларнинг қилмишлари ташвиш солади. Ўзбекистон туманидаги 178 миң 500 нафар аҳолининг 72 миң 650 нафарини вояга етмаган ёшлар ташкил қилади. Бу эса уларга жамоатчиликнинг алоҳида эътиборини талаб этади. Айни кунларда туман прокуратураси ва ҳуқуқий муҳофазат қилувчи органлар билан ҳамкорликда барча мактаблар, коллежларда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилапти.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида туман прокуратураси «Қилч ва Калконт» газетаси таҳририяти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, туман ИИБ ВЕОХООГ, туманларо фуқаролик суди ҳамкорликда «Фарзандларимиз бизнинг келажакимиз», «Ўсмир, жамият, қонун» мазмурида ижодий танлов ўтказди. Бу танловга тумандаги Б.Қиринов номли фермер ҳўжалиғи, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳомийлик қилдилар.

Ўсмир ўзига катталарнинг эътиборлироқ бўлишини истайди. Бу даврда бола ҳам руҳий, ҳам жисмоний ривожланиш даврига ўтган, табиатан беқарор, кайсароқ характерга эга бўлади. Шу боисидан уларга катталар самимий муносабатда бўлишлари, бўш вақтларини қандай ўтказиб-танларни билан қизиқишлари, назоратни қулай-тиришлари лозим. Агар бола тарбиясига бир дақиқа бепарқ бўлса, ниҳолимиз — фарзандларимизнинг тарбияси завол топиши мумкин. Кейсайганда роҳат-фароғатда, хотиржамликда яшашни истасак, фарзандлар тарбиясига эътиборли бўлайлик. Чунки улар бизнинг эртанги кунимиз эгаларидир.

Ш.СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон туман прокурори
Н.ХОЖИМАТОВА,
журналист

ОЛМОСНИНГ БАҲОСИ

Африка мамлакатлари ўзининг олмос конлари билан машҳур. Аммо бу китъа мамлакатларининг ҳаммасини ҳам «ўзига тўқ» давлатлар қаторига қўшиб бўлмайди. Гўёки ҳазина устида ночор ўтирган қашшоқ каби. Бунинг сабаблари бисёр.

Душанба кўни Конго давлати олмос ишлаб чиқариш саноати вакили тарқатган хабарда айтилишича, мазкур мамлакат фуқароларидан бири 140 каратлик қимматбаҳо олмосни ўз нархидан бир неча баравар арзон нархда хорижликларга пуллаб юборган.

Омади чоғиб, каттагина олмос тоғли конголик шахтёр унинг баҳосини ҳам суриштирмай, биринчи дуч келган харидорга 1,4 миллион долларга пуллаб юборган. Мутахассислар фикрига кўра, шахтёр хорижлик олмосфурушлар томонидан очилган-очик «туналғи». Сабаби, ўша олмоснинг ҳақиқий баҳоси 10 миллион доллардан кам бўлмаган.

Бу олди-сотдидан нафақат ҳовлиқма шахтёр, балки Конго республикаси ҳам кўп нарса ютказгани аниқ. Чунки, Конго конунчилиғига мувофиқ, мамлакат худудидан тоғилган қимматбаҳо тошлар олди-сотдидан тушган пулнинг икки фоизи давлат ҳисобига ўтиши керак.

Ўтган 2006 йилда Конго давлатида умумий баҳоси 624,7 миллион долларга тенг бўлган 26 миллион карат миқдорда олмос қазиб олинган. Конго олмосларининг асосий харидори эса Исроил ҳисобланади.

ГНЁҲФУРУШ ТИМСОҲ

Вашингтон штатининг Пире округи полицияси наркотик савдосига қарши кураш операциясини ўтказиш чоғида қутулмаган воқеага дуч келишди, дея хабар тарқатган АР агентлиғи.

Наркотик савдосига алоқадорликда гумон қилинган шахслардан бири бекиниб олган уй полициячилар томонидан ўраб олинади. Натига бўлмағач, уй ичига бостириб кирган полисменлар бир ярим метрлик тимсоҳга дуч келишган.

Маълум бўлишича, бу тимсоҳ аввалроқ қўла тушган, айни пайтда тергов ишлари олиб борилаётган гнёҳфурушга тегишли экан. Энди унга «ноқўйилли» равишда тимсоҳ сақлаш» айблови ҳам қўйилиши тайин.

Тимсоҳ эса маҳаллий «яшиллар» — жониворларни ҳимоя қилиш ҳаракати вакилларига топширилган.

ТУРФА ОЛАМ, ТУРФА ОДАМЛАР

ГНЁҲФУРУШ ТИМСОҲ

Амур йўлбарслари ўзининг кўркамлиғи-ю улқанлиғи билан донг таратган. Россиянинг Приморье ва Хабаровск ўлкаларини макон тутган ана шу жониворлар хозир ҳимояга муҳтож. Халқаро қизил китобида қиритилган бу йўлбарсларнинг умумий сонни айни пайтда 450 тага тушиб қолган.

Яқинда «Новости» агентлиғи тарқатган ана шу жонивор билан боғлиқ хабар аслида ким ҳимояга муҳтож деган саволни ўртага ташлайди.

Приморьедаги қишлоқлардан бирининг шифонасига йўлбарс ҳужумидан омон қолган киши олиб келинган. Итининг тинмай ҳураётганидан безовта бўлган эгаси ҳовлига чиққанда дахшаддан қотиб қолгани аниқ. Чунки ҳовлида ўрғи ёки дайди ит эмас, ростакан йўлбарс кезиб юрган эди.

Тинмай ақилаётган шўрлик итни эгаси бошлаганидан фойдаланиб қолган уй тағис дарахтга чиқиб олишга улғурди. Аммо йўлбарс панжа-си билан уни жароҳатлашга улғурган. Маълум бўлишича, ўлжа умидида қишлоқ оралаган йўлбарс унинг ҳовлисига келиб қолган.

ШОКОЛАД ЕГАН АЙБДОРМИ?

Журналист халқининг табиати қизик. Айниқса, у хорижлик бўлса... Голландиялик журналист Тен ван-де-Кекен шоколад истеъмол қилгани учун ўзининг устидан даъво қилиб Амстердам судига мурожаат қилди, дея хабар беради Reuters.

Бу билан у Кот-д'Ивуардаги шоколад плантацияларида болалар меҳнатининг эксплуатация қилинишига норозилигини билдирмоқда. Журналист Кот-д'Ивуар давлатида қакао дарахтлари етиштириладиган плантацияларда арзимаган маош учун болалар ҳам катталар қатори меҳнат қилиши ҳақида хабар топганидан кейин шундай қарорга келган.

«Агар суд мени айбдор деб топса, бу шоколадни хуш кўрувчи ҳар бир одам ўша норасида-

Huquq
yuridik gazeta

Te'asischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hoy'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahrriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXOJAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-98-82, 133-10-53.

E-mail: huquq97@mail.ru

Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egaloriga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrini tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 152. 27 093 nusxada bo'libdi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV

Musahhib: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK boshxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirishi: 19.30 1 2 3 8 7 8